Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши № 220 (12.874).
22 СЕНТЯБРЬ 1964 йил СЕШАНБА
Баҳоси 3 тийин

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Кремлдаги Съездлар саройи яна табассумлар нурига тўлиб кетди, тинчлик вакиллари яна шу ерга тўпланишди. СССР Ёшлар ташкилотлари комитети форум қатнашчилари шарафига 19 сентябрда қабул маросими ўтказди.

А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков ўртоқлар уларнинг ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали президиумининг раиси Ж. Самбу ҳам ҳозир бўлди.

Тўпланганларни форумдаги совет делегациясининг бошлиғи, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов табриклайди. Шундан сўнг турли мамлакат ёшлари сўзлайдилар.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев микрофон ёнига келиб, ёрқин нутқ сўзлайди. У, беш қитъанинг ёш вакилларига мурожаат қилиб, уларни тинчлик учун, миллий мустақиллик учун, ер юзидаги ҳамма одамларнинг бахт-саодати учун курашда бирлашишга чақиради.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб туради. Никита Сергеевич нутқини тамомлагандан кейин эса, зал унинг шарафига давомли, гулдурос овация кўтаради.

Қабул маросими тамом бўлди. Йигит ва қизлар зиёфатлар залидан Съездлар саройининг кенг фойеларига чиқишади. Энди шу ерда музика ва қўшиқлар эшитила бошлади. Ёшларнинг катта бали бошланади.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН 1964 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРДАГИ СУҲБАТИ

Делегация бошлиғи К. Фукунага Н. С. Хрушчев билан саломлашади ва унга делегацияни Совет Иттифоқига келишга таклиф қилганлиги учун ташаккур изҳор қилади ҳамда японларнинг арзимас туҳфаларини Совет ҳукумати бошлиғига ҳурмат юзасидан тортиқ қилмоқчи бўлганлигини айтади. Бу вазада, деди у, Япониянинг гуллари бор, магнитофон плёнкасига эса япон халқининг қўшиқлари ёзилган.

Н. С. Хрушчев. Бу туҳфалар учун ва менга қилган илтифотингиз учун ташаккур.

К. Фукунага. Делегациямизнинг Совет Иттифоқида бўлиши хусусида бир-икки оғиз гапиришга ижозат бергайсиз. Делегация парламентнинг 15 аъзосидан иборат. Делегация икки группага бўлиниб, Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарлари ва районларини бориб кўрди, унинг беғубор ерлари билан танишиш имкониятига эга бўлди. Ҳамма нарса билан танишиб чиқмоқ учун ўн кун кифоя қилмай қолди, албатта. Лекин биз энг муҳим нарсаларни кўрдик, ғоят мамнун бўлдик ва катта таассуротлар олдик.

Бизнинг бу таассуротларимизни қисқа қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин бўлур эди:

— Совет Иттифоқининг жуда кенг ерларида ғоят катта қурилишлар бино қилинмоқда,

— Совет Иттифоқида фан ва маориф кенг ривожланмоқда,

— Совет кишиларининг бутун фикри-зикри тинчликка интилишдан иборат бўлмоқда,

— ҳамма жойда бизнинг делегациямиз самимият билан дўстона кутиб олинди.

Мана шуларнинг ҳаммасига нисбатан биз бепарво қараб турмадик, албатта. Мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг ривожланишига кўмаклашмоқ учун буларнинг ҳаммасини халқимизга гапириб берамиз. Сиз, ҳурматли Бош Министрнинг, япон халқига нисбатан илиқ ва яхши муносабатда эканлигингизни ҳам унга гапириб берамиз.

Тинчлик тақдирини белгилаб берувчи буюк раҳбарлардан бири бўлган Сизга ўзимизнинг чуқур ҳурматимизни изҳор қилишни истар эдик. Совет Иттифоқи бўйлаб юрганимизда, буюк мамлакатнинг буюк раҳбари борлигига қаноат ҳосил қилдик.

Мамлакатларимиз ўртасида турган проблемаларни чуқур тушуниб, шунга яраша иш қилишингизни Сиздан илтимос қилишни истар эдик.

Япон халқи энг тинчликсевар халқларнинг биридир, у, Хиросима фожиасини бошидан кечирди ва бу фожианинг такрорланишини истамайди. Бутун япон халқи тинчликка астойдил интилмоқда, бу интилиш мамлакатимиз конституциясида ҳам акс эттирилган.

Н. С. Хрушчев. Сизларнинг табрикларингиз, Совет ҳукуматининг ва шахсан меннинг фаолиятимга берган баҳонгиз менга жуда таъсир қилди.

Япон халқининг ўтган урушда бошидан кечирган фожиасини биз чуқур тушунамиз. Атом энергияси кашф қилинганлиги — инсон ақл-идрокининг табиат сирларини билишдаги энг катта муваффақиятидир, одамларнинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим бўлган бу кашфиётдан инсоннинг зарарига фойдаланилди. Япон халқи бунинг азобини тортди, атом бомбаси сабабли у жуда катта қурбонлар берди.

Атом бомба қоғоз йўлбарсдир, атом урушидан қўрқмаслик керак, деган ва шу каби гаплар кўп нарсани бошидан кечирган ва кўп нарсани кўрган, урушларда қатнашган одамларга уларни лақиллатувчи гап бўлиб эшитилади. Бундай гапни айтаётган кишилар ҳозирги замондаги уруш инсоният бошига нималар солишини ва ҳамма халқларга қандай беҳисоб кулфатлар ва қурбонлар келтиришини ё тушунмайдилар, ёки халқларнинг тақдири билан масъулиятсиз равишда ўйнашмоқдалар.

Биз урушни истамаймиз, деб виждонан айтмоқдамиз. Бизларнинг орамизда баъзи кишилар ўз ҳаёти учун қўрққанлиги сабабли бу гапни айтаётганимиз йўқ. Ахир, ҳамма ҳам ўлади, одамлар урушлар бўлмаса ҳам ўла беради. Биз янги жаҳон уруши бўлишини истамаймиз, у, миллион-миллион одамларнинг ҳаётини, кўп авлодлар қилган меҳнатнинг ва сарфлаган куч-ғайратнинг натижаларини жуда катта хавф остида қолдиради.

Халқларнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун урушнинг кераги йўқ. Мен озодлик урушларини эмас, балки давлатлар ўртасидаги босқинчилик урушларини, жаҳон урушларини назарда тутиб, бу гапни айтаётирман.

Истилочилар халқларни бемалол талаб ва урушда бойлик орттириб юрган замонлар узоқ ўтмишда қолиб кетди. Ҳозирги замондаги жаҳон уруши буни бошлаган кишига на ғалаба, на бойлик келтириши мумкин. Агрессор даҳшатли офатлар ва вайронликларга дучор бўлади. Ҳозирги замонда термоядро урушини бошлаш ўтакетган ақлсизликдир.

Бизга қарши уруш бошласалар, биз ўзимизнинг бутун кучимиз ва бутун воситаларимиз билан жанг қиламиз, албатта. Уруш воситалари эса, бизда етарли қувватга эгадир, айтишим мумкинки, чекланмаган миқдордадир. Агар агрессорлар уруш бошласалар, бу урушда ўзлари ҳалок бўладилар.

Кечаги кунни мен қуролнинг янги турларини кўриб чиқиш учун сарфлашга мажбур бўлдим. Мен шу соҳада ишлаётган ҳарбийлар, олимлар, инженерлар орасида бутун кун бўйи бирга бўлдим. Бу билан шуғулланишим керак бўлиб қолди, чунки модомики жаҳонда бўрилар ҳанузгача мавжуд экан, шу бўрилардан ўзимизни ҳимоя қилмоқ учун керакли воситаларимиз албатта бўлиши керак. Шу сабабли, биз ҳам ўз давлатимизни, ўз халқимизни ҳимоя қиладиган энг замонавий воситаларни, халқлар ўртасида тинчликни ҳимоя қилиш воситаларини яратмоқдамиз.

Биз бу даҳшатли қуролнинг бутун вайрон қилиш кучини яхши биламиз ва уни ҳеч қачон ишлатмасак, деган ниятимиз бор.

Бошқа кишилар ўзгача тилда гаплашаётганлиги, ўзга ирққа ёки миллатга мансуб бўлганлиги, ёхуд ўзга социал тузумни афзал кўрганлиги учунгина уларни кириш билан инсон бахтли бўлмайди, инсоннинг қўли ва ақл-идроки билан яратилган нарсаларни емириб ташлаш билан бахтли бўлмайди. Озодлик учун курашиш, меҳнат қилиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ҳамма одамлар эркин ва ёлғиз яшашлари учун моддий ва маънавий неъматларни мўл-кўл қилиш чин бахт келтиради.

Баъзи давлат арбоблари бошқа мамлакатларнинг вакиллари билан учрашганларида тинчлик уруғларини сочмасдан, балки хусумат ва душманлик уруғларини сочаётганликларга афсусланиш мумкин, холос. Шундай «сочувчи»лардан бири яқинда япон социалистлари билан суҳбатлашди ва шу суҳбатда худди мана шундай уруғларни сочди. Шу муносабат билан меҳ парламент аъзолари — япон халқининг вакиллари бўлган сизлар билан бўлаётган бу учрашувда Мао Цзэ-дуннинг айтган гаплари хусусида ўз мулоҳазаларимни гапириб ўтишни истар эдим.

У айтган гапларни ўқиган киши хафа бўлади, бунинг сабаби шуки, бу гаплар Совет Иттифоқига, бизнинг халқларимизга, бизнинг мамлакатимизга қарши қаратилган гапларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, бунга яна бир сабаб шуки, Мао Цзэ-дун ўзини коммунист деб атамоқда, у суҳбатда баён қилган фалсафа меҳнат аҳлларига ёт фалсафадир, бу фалсафа энг прогрессив, революцион таълимот бўлган коммунизм таълимоти намояндасининг фалсафаси бўлиши мумкин эмас. Мен буни сизларга ўз идеяларимни қабул қилдираман, деб гапираётганим йўқ. Лекин бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм принципларида қаттиқ турганлиги, бу таълимотга астойдил берилганлиги ўзларингизга маълум.

Ўтмишда Япония ва Россия бир-бирлари билан неча марталаб уришган эди. Япония рус чоризмини мағлубиятга учратган эди. Бу уруш икки империалистик давлат ўртасида бўлган уруш эди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Совет Иттифоқи ўша вақтда Японияда ҳукмронлик қилиб турган урушқоқ империалистик тўдани ўзининг иттифоқчилари билан бирга бўлиб мағлубиятга учратди. Ўтмишдэ шундай бўлган эди. Хўш, бундан буён нима қилишимиз керак? Сизлар билан биз ёнма-ён яшаб турган қўшнилармиз. Давлатларимиз ўртасидаги, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни қандай қуришимиз керак? Илгари давлатлар бир урушни тамомлаб, дарҳол иккинчи урушга тайёргарлик кўришга киришар эдилар. Мана шу эски «практика»га амал қилиш мумкинми? Аслини олганда Мао Цзэ-дун япон халқига бахт келтирмайдиган мана шу бутунлай нотўғри йўлга ҳозир Японияни судрамоқда-ку, ахир.

Япон социалистлари Куриль ороллари тўғрисидаги масалани кўтарганларида, Мао Цзэ-дун Японияннинг фалонча территорияси бор ва фалонча аҳолиси бор, Совет Иттифоқининг эса фалонча территорияси ва фалонча аҳолиси бор, демак, Совет Иттифоқида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер Японияданги ва бошқа мамлакатлардагига қараганда анча кўп, деган гапларни айтишдан бошқа яхшироқ сўз топмади. Бутун дунё бу гапларга гиж-гижлаш учун айтилган гаплар, деб баҳо берди. Маълумки, ҳатто Япония ҳукумати ҳам Мао Цзэ-дуннинг бу гапларидан ўзини четга олди. Бундай гаплар халқлар ўртасида тўғри, яхши муносабатлар вужудга келтиришга ёрдам бермайди ва халқларга яхшилик келтира олмайди.

Мамлакатларимиз аҳолиси ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги ва ҳаёт макони етишмай қолганлиги тўғрисидаги «назария»ни агар назария деб айтиш мумкин бўлса, маълумки, бу «назария»ни босқинчиларнинг кўплари кенг тарғиб қилган эдилар ва телба Гитлер буни

(Давоми иккинчи бетда).

ТЕРИМДА ПЕШҚАДАМЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети республика областлари, ишлаб чиқариш бошқармалари ва совхозлари ўртасида пахта териш ва давлатга пахта сотиш юзасидан сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидаги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **ФАРҒОНА** областига топширишга қарор қилдилар (қишлоқ область партия комитетининг секретари ўртоқ **Г. А. Габриельянц**, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **З. Ғаннев**, қишлоқ область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Алимов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси бошлиғининг вазифасини бажарувчи ўртоқ **У. Исомхонов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **П. Остапенко**, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси раисининг вазифасини бажарувчи ўртоқ **И. Мун**). Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 24,74 процент, машина терими планини — 9,1 процент бажарган ва ўн кунлика йиллик планнинг 17,91 процента миқдорида пахта тайёрлаган.

Кўчма Қизил байроқ **АНДИЖОН** областига ҳам берилди (қишлоқ область партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Ҳайдаров**, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **У. Абдураҳимов**, қишлоқ область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Исмоилов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Х. Холхонов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **М. Шамсибоев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Н. Лапшин**). Бу область пахта тайёрлаш планини 17,97 процент, машина терими планини — 3,23 процент бажарган ва ўн кунликда йиллик планнинг 13,86 процента миқдорида пахта тайёрлаган.

Кўчма Қизил байроқ **ҒУЗОР** ишлаб чиқариш бошқармасига берилди. (Бошқарма бошлиғи ўртоқ **К. Аҳмаджонов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Қ. Маҳмудов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Н. Мақсумов**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Я. Иноятов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ **Я. Иллиади**). Бу бошқарма йиллик пахта тайёрлаш планини 41,42 процент бажарган ва ўн кунликда йиллик планнинг 28 процента миқдорида пахта тайёрлаган.

Кўчма Қизил байроқ Фарғона областидаги **КИРОВ** ишлаб чиқариш бошқармасига ҳам берилди. (Бошқарма бошлиғи ўртоқ **А. Ниёзов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Зокиров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **У. Бегматов**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **И. Усмонов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ **А. Борисов**). Бу бошқарма пахта тайёрлаш йиллик планини 38,64 процент, машина терими планини — 11,78 процент бажарган, ўн кунликда йиллик планнинг 25,74 процента миқдорида пахта тайёрлаган.

Кўчма Қизил байроқ Фарғона областидаги **КИРОВ** номли совхозга ҳам берилди (совхоз директори ўртоқ **Э. Тожиев**, партия комитетининг секретари **Г. Охунов**). Бу совхоз йиллик пахта тайёрлаш планини 46,37 процент, машина терими планини — 17,96 процент бажарган ва ўн кунликда йиллик планнинг 31,76 процента миқдорида пахта тайёрлаган.

Фарғона областидаги Ўзбекистон ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларида, «Ғаниобод» совхозида, шунингдек, Қашқадарё областидаги «Косон» совхозида ҳам пахта териш ва давлатга сотиш яхши уюштирилганлиги қайд қилиб ўтилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ҲАҚИҚАТИ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида республика олдида турган вазифаларни бажариш учун сафарбар қилиш ишида кўрсатган хизматларини эътиборга олиб ва газета биринчи сони чиққанлигининг 40 йиллиги муносабати билан «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Р. САХИБОЕВ.

1964 йил 19 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

«ПЎЛАТ ҚУШ»ЛАР ПАРВОЗДА

Андижон, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди). Область пахтакорлари бу йил 141 минг гектар ердаги ҳосилни «зангори кема»лар билан териб олишга аҳд қилишган. Бунда ғўза баргини сунъий усулда тўктириш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу сабабли областдаги бир қатор бошқармалар ва хўжаликларда дефолиация бошлаб юборилди. Яшил пайкаллар устида «пўлат қуш»лар уча бошлади. Москва, Марҳамат, Хўжаобод, Наманган, Избоскан ва Учқўрғон бошқармаларининг хўжаликларида ғўза баргини тўктиришга биринчи бўлиб киришилди.

Андижонликларнинг диққат-эътибори бу масъулиятли ишни 20 сентябргача тугаллаш ва машина теримига ажратилган 141 минг гектар майдоннинг ҳаммасида дефолиацияни сифатли ўтказишга қаратилган. Ҳозир қишлоқ хўжалик авиациясининг бир неча самолёти парвоз қила бошлади.

Область механизаторлари, юбилей йилида етиштирилган ҳосилнинг 143 минг тоннасини «зангори кема»ларда териб оламиз, дейишмоқда. Улар «пўлат қуш»лар кетидан пўлат агрегатларини далага жавлон урдирадиган палла яқин.

С. ШОКАРИМОВ.

Вобкент бошқармасидаги хўжаликларда етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш айниқса қизғин давом этмоқда. «Ленинобод» ва «1 Май» колхозларидан Қалмоқон пахта тайёрлаш пунктига дастлабки тонна дурдоналар келтиришди. Суратда: «оқ олтин» ортган прицеплар колоннаси пахта тайёрлаш пунктида.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон ССР ишлаб чиқариш бошқармаларида пахта тайёрлаш, машина терими ва дефолиациянинг бориши тўғрисида

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стунда областлар ва ишлаб чиқариш бошқармалари, иккинчи стунда — пахта тайёрлаш, учинчи стунда — машина терими ва тўртинчи стунда — дефолиация.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ	5,04	0,61	51,95
Оҳқўрғон	4,18	1,91	79,40
Бекобод	6,14	0,51	34,80
Бўка	5,36	0,48	44,49
Юқори Чирчиқ	3,26	—	106,22
Калинин	7,68	0,14	104,30
Урта Чирчиқ	4,89	0,02	41,01
Янгийўл	4,75	—	44,10
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ	1,94	0,53	46,82
Гулистон	30,80	0,13	39,98
Жиззах	3,62	—	57,51
Киров	1,35	—	42,65
Пахтаорол	0,33	—	12,39
Сирдарё	1,61	0,02	36,55
Янгиер	3,89	—	47,74
Ильич	1,42	3,45	78,91
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ	24,76	9,09	66,93
Олтиариқ	17,91	7,69	62,39
Охунбобоев	15,31	3,22	72,17
Киров	38,64	11,78	71,82
Қува	15,59	3,61	73,75
Ленинград	34,88	11,33	58,29
Поп	28,68	12,98	59,25
Ўзбекистон	38,12	13,05	84,41
Фарғона	7,05	2,23	69,44
АНДИЖОН ОБЛАСТИ	17,97	3,24	53,21
Андижон	22,43	2,32	58,33
Балиқчи	24,50	6,14	39,49
Задарё	30,90	19,36	57,66
Избоскан	21,63	2,12	44,27
Қўрғонтепа	1,28	0,09	59,60
Марҳамат	21,24	3,71	56,12
Москва	25,48	11,82	68,57
Наманган	21,86	1,73	38,36
Учқўрғон	16,35	1,13	47,78
Хўжаобод	11,81	0,59	59,64
Чуст	10,33	1,85	44,57
Янгиқўрғон	14,36	1,52	26,02

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ	0,62	—	27,12
Булунгур	0,18	—	18,03
Ғаллаорол	—	—	—
Иштихон	0,18	—	33,03
Каттақўрғон	0,56	—	26,54
Норпой	2,15	—	33,17
Нурота	7,36	—	—
Пойариқ	—	—	24,84
Пастдарғом	0,60	—	33,11
Самарқанд	—	—	14,35
БУХОРО ОБЛАСТИ	6,48	0,06	49,26
Бухоро	4,84	0,04	44,91
Вобкент	10,15	0,12	57,61
Ғиждувон	5,92	0,14	61,36
Қоракўл	6,62	0,02	51,09
Навоий	3,91	—	42,47
Ромитан	7,53	0,03	51,56
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ	17,36	1,63	79,65
Ғузор	41,43	—	10,00
Қарши	29,70	3,12	108,86
Косон	30,72	3,36	129,16
Чироқчи	12,65	0,27	65,25
Шаҳрисабз	8,71	0,33	58,33
Яккабоғ	16,98	2,50	62,67
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ	13,43	0,8	30,34
Денов	10,13	—	25,06
Сариосиё	10,14	—	27,50
Термиз	16,92	2,14	22,11
Шеробод	14,36	3,43	30,66
Шўрчи	16,06	0,62	36,64
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ	1,50	0,01	18,37
Гурлан	1,21	—	15,73
Ҳазорасп	2,52	0,05	17,75
Хива	0,69	—	20,95
Шовот	1,30	—	19,56
Янгиариқ	1,90	—	16,79
Зона станцияси	—	—	—
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР	1,88	—	37,12
Тўрткўл	2,33	—	30,20
Амударё	1,01	—	35,16
Хўжайли	5,04	—	41,69
Қўнғирот	098	—	56,70
Кегайли	0,61	—	30,15
Чимбой	0,63	—	23,24
ЎЗБЕКИСТОН ССР БУЙИЧА ЖАМИ	10,49	1,81	49,20

ДОВОН ОШГАНЛАР

«Ташавтомаш» заводи етти йиллик планни бажарди

Бу йил — юбилей йили. Республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйи ўтказиладиган йил. ТАШАВТОМАШЧИЛАР АНА ШУ ТЎЙГА АЖОЙИБ ТУҲФА БИЛАН КЕЛДИЛАР. МУДДАТИДАН 15 ОЙ-У 10 КУН ИЛГАРИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ АДО ЭТДИЛАР. Улкан довон ошдилар. Қарийб 73 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Пахтаорларга етти йиллиннинг бошидан бери ҳаммаси бўлиб 74.700 дона, етти йиллик планга қўшимча равишда эса 4.601 дона пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеп жўнатдилар.

Заводда 20.22 йилдан бери ишлаб келаётган, шу ерда ўз меҳнати билан обрў топган, камолотга етган Усмон ака Исмоилов, Саттор ака Муродов, В. Сулаймонова, Н. Бризгалов сингари кишилар кўплаб топилади. Бу камтар ва меҳнаткаш кишилар янги келган кишиларга устоз ва мураббий бўлишмоқда. Шунинг учун ҳам нечаги оддий слесарь бугун илгор бригада, участка ёки цехга бошчилик қилмоқда. Ёки бўлмаса ўз станогида ажойиб меҳнат намунасини кўрсатмоқда.

Етти йиллиннинг беш йили ичида 1958 йилдагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 марта ўсди. Меҳнат унумдорлиги 69 процент кўтарилди. Ҳар бир прицепни ишлаб чиқаришга 5 баравар кам меҳнат сарфлашга муваффақ бўлинди. Етти йиллиннинг ўтган даври ичида маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига 819 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди.

«Ташавтомаш» заводи коллективи машиналарнинг конструкциясини такомиллаштириб, сифатини яхшилаб бормоқда. Ҳозиргача прицеплардан фойдаланишнинг гарантиялланган муддати икки баравар ортди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган прицеп илгариги прицепга нисбатан бир тонна кўп юк кўтаради.

Ўзининг ажойиб прицеплари билан эл оғзига тушган корхона энди 1966 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бир довон орқада қолди. Олдинда эса янги довонлар турибди. Ташавтомашчилар пахтакорларга яна ҳам кўпроқ, яна ҳам унумлироқ прицеплар етказиб бериб, пахтачиликни комплекс механизациялашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда. Пахта терими оммавий тус олган шу кунларда завод конвейеридан ҳар қачонгидан кўпроқ машина тушириш, пешма-пеш пахта далаларига прицеп карвонларини жўнатиш тараддуди кўрилмоқда. Улар Ироқ, Куба пахтакорларидан ҳам яқинда заказ олишди. Етти йиллик маррага беш йил саккиз ой-у йигирма кунда етганларнинг олдинда турган довонлардан ҳам муваффақиятли ошиб ўтишига ишонса бўлади. Уларга янги зафарлар тилаймиз.

М. МАНСУРОВ.

ОТТО ГРОТЕВОЛЬ ВАФОТ ЭТДИ

БЕРЛИН. 21 сентябрь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси Отто Гротеволь бугун вафот этди.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН 1964 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРДАГИ СУҲБАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

энг тўлиқ равишда ифодалаб берган эди. У, мана шу «назария» билан ниқобланиб, иккинчи жаҳон урушини бошлади. Гитлер немисларни урушга даъват қилиб, немис халқининг ишгол қилиб турган территорияси бу халқнинг яшаши учун торлик қилиб қолди, немис халқи «ҳаёт макони»ни ўзига топиб олиши керак, деб такрорлай берди. У қўли билан шарқни кўрсатиб, лоақал Уралгача бўлган территория фашист жанобларники бўлиши керак, бу территория немис халқига «ҳаёт макони» қилиб олиниши керак, деб даъво қилди.

Гитлер эса, япон ҳарбийлари билан тил бириктириб қўйган эди. Гитлер Уралга бориб етганидан кейин, биз Байкалга ва эҳтимолки, ундан ҳам нарироққа бориб етамиз, деган фикрни япон милитаристлари гарчи ҳаммага эшитарлик қилиб эълон қилмаган бўлсалар ҳам, аммо, улар ҳам шундай фикрни ўйлаб юрган эдилар. Хўш, буларнинг оқибати нима бўлиб чиқди? Фашистлар Германияси ҳалокатга учратилди, милитаристлар Японияси ҳалокатга учратилди, шунингдек Совет Иттифоқи халқлари, бутун Европа халқлари ва айтишим мумкинки, бутун дунё халқлари жуда катта талафотлар беришга мажбур бўлдилар ва уларнинг бошига жуда кўп кулфатлар тушди.

Ўзларининг ер-мулкларини кенгайтириб, Уралгача етказишни орзу қилиб юрган немис империалистлари гитлерчилар Германиясининг маглубиятга учратилиши ва тор-мор келтирилганлиги натижасида ўзлари кўз олайтирган ерларни олиш уёқда турсин, ҳатто Германиянинг ҳукмдорлари бошқа халқлардан, ўз қўшниларидан, ўтган замонларда босиб олган баъзи территорияларни қўлдан бериб қўйдилар. Ҳозирги кунда иккита герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжуд. Капиталистик Германия ва социалистик Германия, шунингдек Ғарбий Берлин мавжуд.

Ҳозир Ғарбий Германияда аҳолининг тиғизлиги урушдан олдинги вақтдагига қараганда ошиб кетди. Хўш, немислар, жумладан, Ғарбий Германиядаги немислар урушдан олдинги вақтдагига қараганда ёмонроқ яшаяптими ёки яхшироқ яшаяптими? Ҳаммага маълумки, ҳозирги вақтда Ғарбий Германиянинг экономикаси ва унинг ишлаб чиқариши урушдан олдинги вақтдагига нисбатан анча олга силжиган. Германия Федератив Республикасининг юксак даражада ривожланган саноати ва юксак иқтисодий потенциали бор. У, Европанинг ва, ҳатто жаҳоннинг энг бой мамлакатларидан бири бўлиб қолди. Мана шунинг ўзи ҳам нисбатан кичикроқ территориягa эга бўлган, лекин ишлаб чиқаришни юксак даражага кўтарган, ўз саноатини, фанини, маорифини ривожлантириб юборган мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириши ҳамда хийли юксак потенциалга ва турмуш даражасига эришуви мумкинлигини исботлаб турибди. Албатта, территориянинг катта-кичиклиги муайян аҳамиятга эга, лекин мен юқорида айтиб ўтганимдек, унинг аҳамияти биринчи даражада эмас. Лекин ҳар қолда, жаҳонда тарихан вужудга келган аҳволга таяниб иш олиб бориш керак. Иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган бошқа мамлакатдаги — Японидаги аҳвол бунга кўрсатиб турибди. Демак, гап территориянинг катта-кичиклигида эмас, «ҳаёт макони» деб аталган нарсада эмас.

Замонавий қириш воситалари мавжуд бўлиб турган ҳозирги вақтда «ҳаёт макони»ни кенгайтириш йўли билан бойликлар қидириш айниқса хатарлидир ва, айтишим мумкинки, жиноятдир.

Совет ҳукуматининг 1963 йил 31 декабрдаги мактубида биз, давлатлар мавжуд чегараларни бузмасинлар, территория проблемаларини ҳал қилишда эўрлик методларини қўлланмасинлар, деб таклиф қилдик. Уруш — чегараларни ўзгартирмоқ учун восита бўлиши керак эмас. Фақат шундай қилинганидагина тинчликни таъминлаш мумкин. Чегараларни ўзгартиришнинг бирдан-бир мақбул йўли — музокаралар олиб бориш эди. Бундан бошқа йўл урушга олиб бориши турган гап.

Бу ҳақиқатни мен кашф қилганим йўқ. Тарих бу ҳақиқатни тасдиқламоқда. Умуман мен баъзи бир кимсалардек ҳақиқатни айтиб берувчи фолбинлик ролини даъво қилаётганим йўқ.

Октябрь революцияси одамларнинг ўсиши учун алоҳида қулай шароит яратиб берди, халқ, партия менга СССР Министрлар Советининг Раиси ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлишдек юксак лавозимни ишониб топширдилар.

Коммунистик партия учун, совет раҳбарлари учун коммунизм қуриш вазифасидан кўра муҳимроқ вазифа йўқ, бу вазифани биз бутун дунё меҳнаткашлари олдида ўзимизнинг интернационал бурчимиз, деб билмоқдамиз. Коммунистик партия учун, совет раҳбарлари учун халқнинг баҳт-саодати тўғрисида, ер юзида тинчликни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Экономикани, маданиятни, фанни, санъатни ривожлантирмоқ, одамларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини тўғри ҳам тўла қондирмоқ учун бутун куч ва ғайратимизни сарфламоқдамиз. Мана шу буюк вазифаларни ҳал қилиш учун курашда биз ўз бахтимизни топамиз ва буни бутун ҳаётимизнинг маъноси, деб биламиз. Шу сабабли, биз революцион кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаб, уруш бўлишига йўл қўймаслик ва халқлар ўртасида тинчликни таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

Мао Цзэ-дун, Совет Иттифоқи ҳаддан ташқари катта мамлакат, деб шама қилмоқда. Россиянинг чор ҳукумати ҳаддан ташқари кўп территорияларни эгаллаб олган ва бу территорияларни ўз доирасига киритиб олган, деб қайта-қайта таъкидлашни Пекингилар яхши кўришади. Биз рус подшоларини ҳимоя қилишни истамаймиз. Бошқа подшолар каби улар ҳам талаблчилик қилиб келганлар, таловчилик урушларини олиб борганлар ҳамда ўз-тил жиҳатидан ва бошқа жиҳатлардан қараганда, хитойлардан бутунлай фарқ қилади. Уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа халқлар Синьцзяннинг туб халқларидир. Хитой императорлари уларни ўтмишда истило қилиб олдилар, уларни мустақилликдан маҳрум этдилар.

Шундай қилиб, агар тарихга мурожаат қилинадиган бўлса, давлатлар қайси тарада таркиб топганлиги эсга олинадиган бўлса, катта ва кичик давлатларнинг ҳаммасида подшолар таловчилик билан шуғулланиб келганликларини кўрамиз. Фарқ фақат шундаки, зўрроқ таловчи кўпроқ юлқиб олган, кучсизроқ таловчи эса камроқ юлқиб олган.

Рус подшолари Маньжурияга бостириб кирдилар, Кореяга кўз олайтирдилар, сўнгра, японлар рус подшосини тор-мор келтирдилар. Кореяни ва Маньжурияни босиб олдилар. Хуллас, қонли урушлар ва таловчиликлар тарихда кўп бўлган.

Ҳозир биз бошқа замонда — ўткинчи тарихий даврда яшаб турибмиз. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди, мустамлака қуллигини йўқотиш тугалланмоқда. Биз революциялар даврида, халқларнинг улуғ миллий-озодлик ҳаракати даврида яшаб турибмиз.

Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси енгиб чиқди, ишчилар ва деҳқонлар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Озод қилинган халқ Россияни қолоқ мамлакатдан ўз меҳнати билан илғор мамлакатга айлантирди, қудратли экономикани, жуда катта моддий бойликларни вужудга келтирди, фан ва санъатни ривожлантирди. Совет Иттифоқи ўзининг иқтисодий қуввати жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринни олиб турибди. Бизнинг истагимиз нима? Биз урушни истамаймиз, биз тинчликни ҳимоя қилмоқдамиз. Лекин бизга ҳужум қилсалар, биз ўзимизда бўлган ҳамма воситалар билан чегараларимизни ҳимоя қиламиз. Совет Иттифоқининг чегаралари муқаддас: кимки бу чегаларни бузишга журъат этса, Совет Иттифоқи халқлари жуда қақшатқич зарба берадилар.

Хитой халқи революция қилди ва катта социал ғалабаларга эришди. Тўғри. иқтисодий қолоқликни енгмоқ учун Хитой ҳали кўп иш қилиши керак. Лекин бунинг учун вақт керак, меҳнат ва матонат керак. Экономика ва маданиятни ривожлантирмоқ учун Хитойнинг катта имкониятлари бор, кези келганда шуни айтиш керакки, Хитойнинг территорияси жуда катта. Ҳозирги вақтда Хитой қийинчиликларга учраётган бўлса, бунга унинг иқтисодий қолоқлиги тугатиш ва бой мамлакат бўлиб қолиш имкониятларининг йўқлиги сабаб бўлаётгани йўқ, балки бунинг сабаби шуки, Хитой тарихий бир даврни бошидан кечирди, ўша даврда феодал реакция ва империалистлар хитой халқининг кучини бўғиб қўйдилар, унинг ўзи учун меҳнат қилишига ва ўз фаровонлигини оширмоқ учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишига йўл бермадилар. Талантли, меҳнатсевар буюк хитой халқи ўз экономикасини ривожлантиришига ва ўзига муносиб чўққиларга кўтарилишига ишонамиз. Бу ишда биз унга тўла муваффақият тиламоқ истаймиз.

Ҳамма халқлар тараққиётга эриша олади. Японияда унчалик катта бўлмаган территорияда яшаб турган меҳнатсевар ва сергайрат халқ тинч ҳамкорлик позициясида турган ва ҳамма кишиларга яхшиликни тилаётган одамларни ўзининг таланти билан қойил қолдирмоқда.

Совет Иттифоқи япон халқи билан тағин ҳам яқиндан туриб ҳамкорлик қилишни истар эди. Бизларнинг социал-сиёсий тузумларимиз турлича. Лекин бу — ҳар бир халқнинг ички иши. Ҳар бир халққа ҳурмат билан қараш ва унинг ички ишларига аралашмаслик керак, давлатнинг социал-сиёсий тузуми масаласини ҳал қилишни шу халқнинг ўзига ҳавола қилиб қўйиш керак. Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари ҳам мана шу.

Хитой раҳбарлари бизнинг тинч-тотув яшаш позициясида турганлигимизни ва бу позицияни изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигимизни танқид қилмоқдалар. Лекин биз бу позициядан чекинмаймиз, чунки бу позиция Совет Иттифоқи халқларининг манфаатларига, жаҳондаги ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Энг оқилона иш шуки, давлатлар ўртасида ва, аввало, бир-бири билан чегарадош бўлган давлатлар ўртасида яхши, тинч ва дўстона муносабатлар вужудга келтириш керак.

Совет Иттифоқининг территорияси тарихан таркиб топган территориядир. Октябрь революцияси Россиянинг барча халқларига то ажралиб кетишга қадар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди, улар ҳам бу ҳуқуқдан фойдаландилар. Баъзи халқлар Россия составидан чиқиб кетди, баъзилари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида ўз ихтиёрлари билан бирлашдилар. Совет Иттифоқи халқлари ўзгаларнинг ерини истамайдилар, лекин ўз ерларига ҳеч кимнинг қасд қилишига йўл қўймайдилар.

Хитой давлати ҳам кўп миллатли давлат. У ҳам тарихан таркиб топган. Хитой императорлари таловчилиқ қилишда рус подшоларидан қолишган эмаслар, улар ҳам кўп нарсаларни талаб олганлар. Миллий-озодлик қураши натижасида мустақил Монголия Халқ Республикаси вужудга келди ва ривожланиб бормоқда, монголлар яшаб турган территориянинг бошқа бир қисми эса Хитой давлати составида турибди.

Қозоқ халқининг кўпчилиги СССРда яшайди ва қозоқ халқи жойлашган территориянинг кўпчилиги Совет Иттифоқи составига кирган. Шу территорияда қозоқ халқи Қозоғистон Совет Социалистик Республикасини тузган. Бу республика қозоқ халқининг суверен давлатидир, агар қозоқ халқи хоҳласа, у, СССР Конституциясига кўра, Совет Иттифоқи составидан чиқиб кетишга ҳақли. Қозоқларнинг бир қисми ва улар жойлашган территориянинг бир қисми эса Хитой давлати составида турибди.

Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси Совет Иттифоқи составига кирган республикадир ва қирғиз халқининг суверен давлатидир. Агар қирғиз халқи истаса, СССР Конституциясига кўра, у ҳам Совет Иттифоқидан чиқиб кетишга ҳақли. Қирғизларнинг бир қисми ва улар яшаб турган территориянинг бир қисми эса Хитой составида турибди.

Совет мамлакатида территориал ва миллий масалалар халқларнинг ўзлари билдирган хоҳишларига мувофиқ ҳал қилинган. Биз фақат ўз тўғримизда гапирамиз ва бошқа давлатларнинг ишларига аралашмоқчи эмасмиз. Бошқа сўз билан айтганда, давлатлар ўртасида чегаралар ҳақида пайдо бўладиган масалалар шу давлатларнинг бир-бирлари билан келишишлари асосидагина ҳал қилиниши мумкин.

Шунинг учун ҳам биз: бошқаларни гиж-гижлаш билан шуғулланмайлик, ҳамма халқлар ўз тақдирини ўзи ҳал қилсин, деб айтмоқдамиз. Низоли масалалар худди ана шу тахлитда ҳал қилиниши лозим. Мавжуд чегаралларга ҳурмат билан қарамоқ керак. Биз халқлар ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига тарафдормиз.

Сизлар: хўш, Германия-чи, деб савол беришларингиз мумкин. Германия масаласи миллий масала эмас, балки социал-сиёсий масала эканлигини неча марталаб айтиб ўтган эдим. Немис халқининг бир қисми капитализм йўлидан бормоқда, бир қисми социализм қурмоқда.

Октябрь революциясидан кейин биз гражданлар урушни вақтида уч йилдан кўпроқ уришдик. Ким-ким билан уришган эди? Бу уруш синфий уруш бўлган эди. Руслар русларга қарши, украинлар украинларга қарши, ўзбеклар ўзбекларга қарши, қозоқлар қозоқларга қарши уришган вақтлар ҳам бўлди. Камбағаллар бойларга қарши уришди, бойлар камбағалларга қарши уришди.

Ҳозир ҳам иккита герман давлати ўртасида мана шундай социал-сиёсий асосда тортишув бўлмоқда. Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари капиталистик асосда ягона немис давлати бўлишини истайдилар. Германия Демократик Республикаси, унинг халқи ягона Германия — социалистик Германия бўлишини истайди. Бундай аҳвол у ерда ҳозирча сақланиб қола берса керак, масалани тарих ҳал қилиб беради. Лекин мен ягона Германия албатта социалистик Германия бўлишига коммунист сифатида ишонаман, деб айтсам, бу нарса сизлар учун кутилмаган бир гап бўлмаса керак. Қачон шундай бўлади? Билмайман. Буни ким ҳал қилиб беради? Немисларнинг ўзлари ҳал қилишлари лозим. Иккита герман давлати — социалистик герман ва капиталистик герман давлати мавжуд, бу факт билан ҳисоблашиш керак. Яна такрор айтаманки, унинг келажаги қандай бўлиши масаласини немис халқининг ўзи ҳал қилсин.

Чегара проблемалари мураккаб проблема. Баъзи давлатлар у ёки бу хил сабабларга кўра, мавжуд чегаралардан рози эмаслар. Лекин энг муҳими шуки, сабрли бўлиш, вужудга келган шароитни тушуниш ва ҳурматлаш ҳамда давлатлар ўртасида ва халқлар ўртасида тинч, яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш керак.

Сиз, ҳурматли меҳмонлар, нима учун Хрушчев ер юзидаги ҳамма одамларни умуман қизиқтираётган масалаларни гапираётир-ку, аммо, биз, японларни, бевосита қизиқтираётган масалаларни тилга олмаётир, деб ўйлаётгандирсиз. Бизнинг ҳам ўзимизга тааллуқли, японларга тааллуқли масалалар бор-ку, деб ўйлаётгандирсиз. **(Жонланиш).** Бу масалалардан ҳам бўйинтовламайман, булар ҳақида ҳам ўз фикримни айтиб бераман.

Сизларнинг таниқли арбобингиз марҳум Хатояма бош министр бўлиб турган вақтда у билан нималар ҳақида, жумладан, Хабомаи ва Сикотан деган икки орол хусусида гаплашиб олганлигимиз эсимда. Биз ҳозир ҳам ўша аҳд-паймонимизда турибмиз. Лекин биз сизлар билан сулҳ шартномасини имзолганимиздан кейин маскур оролларни Японияга топширамиз, деб айтганмиз. Бироқ, сулҳ шартномаси ҳанузгача имзоланган йўқ. Бундан ташқари, АҚШнинг Японияда ҳарбий базалари бор, у сизлардан Окинавани тортиб олди, Окинавани ва Япониянинг ўзини Совет Иттифоқига қарши ва Хитойга қарши қурашда стратегик база деб ҳисобламоқда.

Агар биз шундай вазиятда сизларга Хабомаини ва Сикотанни топшириб қўйсак, сизларнинг балиқчиларингиз мамнун бўлур эдилар, у ерда балиқ овлаш, денгиз қарами ҳосилини олиш ва денгизнинг бошқа бойликларини йиғиштириб олиш имкониятига эга бўлур эдилар. Лекин кўқорида айтиб ўтганимдек, Америка империалистлари ҳам сизларнинг оролларингизда Совет Иттифоқига қарши қаратилган ўзларининг ҳарбий базаларини қуриш имкониятига эгадирлар. Биз Японияга ўзимизнинг ён беришимиз ҳисобига Америка империализмини кучайтиришни истамаймиз. Агар ҳозир американликлар Япониядан чиқиб кетганларида эди, Окинавани бўшатиб берганларида эди ва сулҳ шартномаси имзоланган бўлганида эди, биз дарҳол сизларга телеграмма юбориб, марҳамат қилиб келинглар, ўзаро қилган аҳд-паймонимизга мувофиқ, Хабомаини ва Сикотанни олинглар, деб айтган бўлур эдик. Лекин аҳвол ҳозирча бундай эмас.

Шу нарсани назарда тутиш керакки, биз учун бу оролларнинг иқтисодий ва хўжалик аҳамияти унчалик катта эмас, лекин муҳим стратегия, мудофаа аҳамияти бор. Биз ўз хавфсизлигимизнинг ғамини емоқдамиз. Япониядан хавотир қиладиган жойимиз йўқ, аммо, Америка япон оролларидан чиқиб кетганида эди, у ҳолда биз учун бошқа имкониятлар очилган бўлур эди, муносабатларимиз яхшиланиб кетган бўлур эди.

Бу гапимни тўғри тушуниб олишларингизни илтимос қиламан. Биз Япония билан иқтисодий, маданий муносабатларни, илмий алоқаларни, туризмни ривожлантиришни истар эдик. Бундай қилиш халқларимиз учун фойдалидир. Бизнинг катта табиий бойликларимиз бор, шу жумладан Япония муҳтож бўлган нарсаларнинг кўпи бизда бор. Мен сизларнинг савдо-саноат аҳлларингиз билан учрашганман. Бизнинг нефтимизни сотиб олиш японлар учун фойдалироқ бўлади, биздан темир рудани сотиб олиш фойдалироқ бўлади, биздан ёғоч ва ўзимиз ишлаб чиқараётган бошқа товарларни сотиб олиш фойдалироқ бўлади. Бунинг эвазига Япониянинг тўлайдиган нарсалари бор. Япониянинг қўли гул ишчилари, олимлари, инженерлари бор. Биз ҳам қизғанчиқ одамлардек бу бойликларимизни босиб ётмаймиз, албатта. Бу бойликларни биргалашиб ишга солайлик ва халқларга, бизнинг халқимизга ҳам, сизнинг халқингизга ҳам хизмат қилдирайлик. Бу ишда ҳамкорлик қилиш ҳар иккала томонга ҳам манфаатли бўлур эди.

Бироқ, сизларнинг савдо-саноат аҳлларингиз ўз ихтиёрларича савдо-сотиқ қила олмайдилар, чунки Америка империализми Японияга тазйиқ қилиб турибди, шу сабабли, Япония ҳом ашёнинг баъзи турларини АҚШга қарам бўлган бошқа мамлакатлардан ёки Америка капитали шу ҳом ашёни ишлаб чиқараётган мамлакатлардан сотиб олишга мажбур, гарчи мазкур мамлакатлар билан Япония ўртасидаги транспорт йўллари Япония билан СССР ўртасидаги транспорт йўлларига қараганда кўп марта олисроқ, бинобарин эса чиқимлар ҳам кўпроқ бўлишига қарамай, Япония ҳом ашёни ўша мамлакатлардан сотиб олишга мажбур. Мен айтишим мумкинки, бундай қилиш иқтисодий ҳисоб-китобларнинг элементар қоидаларига зид бўлиб, чет давлат ўтказаётган тазйиқнинг натижасидир. Иқтисодий ҳисоб-китоблар эса Япониянинг савдо-саноат аҳлларини Совет Иттифоқи билан савдо алоқалари қилишга йўллаши лозим эди, чунки биз яқинроқмиз ва бизнинг маҳсулотимизнинг нархи ҳам арзонроқ.

Майли, сизларни мен ортиқ қийнамайман **(шодиёна жонланиш).** Сабр қилиб тинглаганликларингиз учун раҳмат.

К. Фукунага. Сизнинг изоҳларингизни катта эътибор бериб тингладик ва бу изоҳларни эътиборга оламиз, албатта. Лекин биз — мен делегациямизнинг аъзоларидан бири сифатида, шунингдек парламентнинг мамлакатда қолган аъзолари номидан ҳам гапираётирмиз, — биз совет—япон муносабатларини бундан буён ҳам яхшилаш бизнинг асосий мақсадимиз бўлиб қолиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир мен тарих масалаларига тўхталиб ўтиришни истамайман, биз ўзаро муносабатларимизни янада яхшилаш истиқболини назарда тутиб, шу муносабатлар ҳақида гапиришимиз лозим. Шу сабабли, ҳозир мен Сиздан бизнинг ўзаро муносабатларимизга кенг назарда ва мурувват билан қарашингизни, буюк мамлакат позициясидан туриб, унинг улуғ раҳбари позициясидан туриб, жаҳоннинг энг улуғ раҳбарларидан бирининг позициясида туриб қарашингизни яна бир марта илтимос қилишни истар эдим.

Н. С. Хрушчев. Биз орқага эмас, балки олдинга қараб, яхши келажакка бориш учун йўлни тозалаб, ўз сиёсатимизни қурмоқдамиз. Шу сабабли, биз келажакни ўйлаб, Япония билан яхши, тотув муносабатлар қуришни истаймиз.

Яқинда биз сизлар билан битим туздик — мочевина ишлаб чиқарадиган заводни сизлардан сотиб олдик. Бу яхши завод эканлигини менга айтишди. Бу эса ишнинг фақат бошланиши, деб ўйлайман. Сизлардан биз кўпгина заводларни сотиб олишимиз мумкин. Бу эса бизлар учун фойдали, чунки биз яхши ускунани сотиб оламиз. Бу нарса сизлар учун фойдали, чунки бундан келган маблағга сизлар ўз саноатингизни ривожлантирасиз, япон меҳнаткашларига иш топиб берасиз, пул ишлаш имкониятини берасиз.

Япон саноатининг кўпгина буюмларини биламан. Бу буюмлар япон халқининг моҳир қўллари билан яратилган, ўз талантини, ўз ақл-идрокини сарфлаб ишлаб чиқарилган нарсалардир. Сизларнинг бутунги туҳфангиз ҳам сизлар билан бўлган учрашувни, япон халқининг шарофатли меҳнатини менга эслатиб туради.

Совет халқи коммунистик жамият қуриш вазифасини ўз олдига қўйди ва бу вазифани муваффақиятли равишда ҳал қилмоқда. Япония — капиталистик давлат. Бизга капиталистик тузум ёқмайди, албатта, бизга коммунистик тузум ёқади. Лекин тузумни танлаш ҳар бир халқнинг ички иши. Сизлар — бизнинг қўшиларимизсиз. Биз япон халқини ҳурмат қиламиз. Лекин сизларда қандай тузум бўлиши — сизларнинг ички ишингиз. Мамлакатларимизнинг ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари бир-биримизнинг ички ишларимизга аралашмаслик асосида қурилиши лозим.

К. Фукунага. Суҳбат анча кўп вақтни олди. Лекин бизнинг истагимиз шуки (мен буни яна бир марта такрор айтаётирман), бизнинг бундан буёнги ўзаро муносабатларимиз бу муносабатларни яхшилаш йўлида, қўшнига меҳр-муҳаббат асосида ривожлансин, дейміз. Совет Иттифоқи ресурсларга бой. Айни вақтда Японияда жуда кўп иш қила оладиган ижодкор меҳнатсевар қўллар бисёр.

Ҳозиргина Сиз, Японидаги унчалик олис бўлмаган районлардаги фойдали қазилмаларни ишга солишда Япония қатнашса бўлур эди, деб истак билдирдингиз.

Эҳтимол, Сиз жуда бир кичкина фактдан бехабардирсиз: биз сафарга чиқишимиз олдидан парламентнинг бу ерда ҳозир бўлган аъзолари мочевина ишлаб чиқарадиган завод учун ускуналар тайёрлаб бериш ва керакли кредит бериш тўғрисида Совет Иттифоқининг истагини қондирмоқ учун бир талай куч ва ғайрат сарфладилар, парламент аъзоларининг ҳаракати билан Совет Иттифоқининг бу истаги қондирилди. Дуруст, Англия Совет Иттифоқига узоқ муддатли кредит бермоқда. Лекин Японня ҳам узоқ муддатли кредит бера олиши мумкинлиги учунгина Англия шундай кредитлар берган бўлса керак. Бу нарса Англияни шундай қарорга келишга рағбатлантирди, деса бўлади. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи тағин ҳам кўпроқ харид қилишидан, Японияга тағин ҳам кўпроқ заказлар беришидан япон халқи жуда манфаатдор.

Пировардида, мен мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга яна бир марта даъват қилмоқчиман ва бу ерда ҳозир бўлганлар бир-бирларига кўл бериб, бу билан бутунги қувончли учрашувнинг муваффақиятини мустаҳкамласинлар, деб таклиф қилмоқчиман.

Н. С. Хрушчев. Мочевина ишлаб чиқаришга керакли ускуналарни бизга етказиб бериш тўғрисида битим тузишга парламент аъзоларининг кўмаклашганликларига эўр миннатдорчилик билан баҳо бераман. Бизнинг имкониятларимиз катта, биз япон саноатига кўп заказлар беришимиз мумкин, Япония ҳам ўз саноати учун керакли нарсаларнинг жуда кўпини биздан сотиб олиши мумкин, деса бўлади.

Американинг монополистик капитали бу битимнинг тузилишига йўл қўймаслик учун Япония ҳукуматига жуда кучли таъзиқ ўтказганлиги менга маълум. Японлар американликларга қулоқ солмай оқилона иш қилишди, чунки бу таъзиқ Япониянинг манфаатларига, япон халқининг манфаатларига зид бўлиб тушаётган таъзиқ эди.

Кредитнинг муддати эса ўзаро келишиб ҳал қилинадиган масала. Мен сизларга бундай демоқчиман: кредитнинг қисқа муддатли бўлиши заказлар беришимиз учун бизга камроқ имконият туғдиради, чунки ҳозир биз бу заказларнинг пулини тўлай олмаймиз. Заказлар пулини тўлаш учун узоқроқ муддат берсангиз, кўпроқ заказ оласиз. Мана Англия 15 йил муддат билан кредит беришга рози бўлди, биз ҳам Англияга заказларга ҳеч нарсасиз кўп заказ бердик. Сизлардан бизнинг гинамиз йўқ: ҳамма нарса имкониятга боғлиқ. Бизга кўпроқ муддат билан кредит берсангиз, биз сизларга эртага эҳтимол, 10-15-20 заводни заказ қилишимиз мумкин. **(Шодиёна жонланиш).** Иштаҳамиз яхши. **(Шодиёна жонланиш).** Сизларнинг эса ишлаб чиқариш соҳасида яхши имкониятларингиз бор. Битим тузсак, сизларга ҳам, бизларга ҳам фойдали бўлур эди. Ўйлаб, ҳисоблаб кўринглар. **(Шодиёна жонланиш).**

К. Фукунага. Суҳбатингиз учун Сизга раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Сизларга ҳам раҳмат. Кўришгунча хайр.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ҚЎШМА АХБОРОТИ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан, Ҳиндистон Республикасининг Президенти доктор Сарвапалли Радҳакришнан ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқига ташриф буюриб, 1964 йил 11 сентябрдан 19 сентябрга қадар меҳмон бўлдилар.

Совет—Ҳиндистон қўшма ахборотида айтиладики, Ҳиндистон Президенти ва унинг ҳамроҳлари Москвада ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларида ишчилар, олимлар ва интеллигенциянинг бошқа намояндалари билан учрашдилар ва суҳбатлашдилар. Улар борган жойларнинг ҳаммасида совет кишилари уларни жуда хурсанд бўлиб ва меҳмондўстлик билан кутиб олдилар, буюк ҳинд халқига нисбатан совет кишиларининг самимий дўстлик ва сидқидиллик ҳислари изҳор қилганликларини кўрдилар.

Ҳиндистон Президенти совет — ҳинд дўстлигига бағишланиб Кремлда ўтказилган оммавий митингда қатнашди. Бу митинг совет—ҳинд дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

Ҳиндистон Президенти Совет Иттифоқида бўлган вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан батафсил ва дўстона суҳбатлар ўтказди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян билан ҳам суҳбатлар ўтказди.

Ўзаро дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтган шу суҳбатлар вақтида турли муҳим халқаро масалалар устида, шунингдек Совет—Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш масалалари устида фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала томон мамнуният билан шуни таъкидладиларки, жаҳоннинг турли қисмларида маҳаллий конфликтлар борлигига қарамай, тинчлик ва демократия кучларининг ўтказган таъсири остида халқаро муносабатларда кескинликнинг умумий юмшатилишига эришилди.

Улар ҳозирги вақтда халқаро низоли масалаларни музокаралар олиб бориб, тинч йўл билан ҳал қилмоқ учун реал имконият бор, деган хулосага келдилар.

Суҳбатлар шуни тасдиқладики, жаҳон олдида турган кўпгина асосий проблемаларда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг позициялари бир-бириникига ўхшайди ва Совет—Ҳиндистон муносабатлари тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, территориал бутунликни ва суверенитетни ҳурматлаш принциплари асосида ривожланиб бораётганлиги турли сиёсий ва социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг ёрқин намунасидир.

Ҳар иккала томон халқаро вазиятни тубдан яхшиламоқ ва тинчликни мустаҳкамламоқ учун сира кечиктирмай актив куч ва ғайрат сарфлаш зарурлигини тўла тушунган ҳолда халқаро низоли масалаларни кечиктирмай ҳал қилишга эришиш, термоядро уруши хавфини йўқотиш ва мустаҳкам тинчлик гарантияларини таъминлаш йўлларини қидирмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфлашга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини изҳор қилдилар.

Шу муносабат билан Ҳиндистон Президенти Совет ҳукумати ва унинг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг тинчликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш учун курашда тинмай куч-ғайрат сарфлаётганликларига Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан юксак баҳо берди.

Ҳар иккала томон давлатлар ўртасидаги территория низоларини тинч методлар билан ҳал қилиниши лозим, деган ўзларининг қатъий фикрларини таъкидладилар. Давлатлар территория ва чегара низоларини ҳал қилишда куч қўлланишдан ўзларини тийишлари лозим ва тарихан вужудга келган чегараларга лозим бўлган даражада тушуниб қарашлари лозим, деган мазмунда халқаро шартнома тузиш хусусида Н. С. Хрушчевнинг 1963 йил 31 декабрдаги таклифини Ҳиндистон томони табриклади.

Ҳар иккала томон ўзларининг шу қатъий фикрларини таъкидладиларки, турли сиёсий ва социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсати ҳозирги кунда термоядро қирғин урушига йўл қўймайдиган бирдан-бир тўғри сиёсатдир. Осиё ва Африкада ривожланиб бораётган мамлакатларнинг кўпчилиги харбий блокларга қўшилмаслик сиёсатини ўтказиб келаётганлиги жаҳонда тобора кўпроқ эътироф қилинаётганлигини ҳар иккала томон табриклади.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон барча кескин халқаро масалаларни тинч бартараф қилишга ва шу асосда давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга астойдил интилиб, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини Германия проблемасини тинч бартараф қилишга эришиш орқали тугатиш йўлида сарфланаётган куч ва ғайратни кўпайтириш мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида айниқса зарур иш, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала томон Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати ўтказаётган ирқий камситиш сиёсатини қораладилар ва апартеид сиёсатини инсониятга қарши жиноят, деб ҳисоблайдилар. Улар Шарқи-Жанубий Осиёда яқинда бўлиб ўтган воқеаларга алоҳида эътибор бердилар ва бу райондаги вазият ёмонлашиб бораётганлиги хусусида ўзларининг ташвишланаётганликларини изҳор қилдилар, шунингдек Шарқи-Жанубий Осиё проблемалари шу районда яшаб турган халқларнинг манфаатларини кўзлаб, тинч йўл билан ҳал қилинади, деб умид билдирдилар.

Совет томони ҳинд халқи тинчликка интилаётганлигига, шунингдек унинг тинч-тотув яшаш ва қўшилмаслик сиёсатига, бу сиёсатни ўтказишга замонимизнинг атоқли арбоби, Ҳиндистоннинг марҳум Бош Министри Жавоҳарлал Неру шу қадар кўп куч ва ғайрат сарфлаганлигига ўзининг юксак баҳо берганлигини изҳор қилди. Совет томони Ҳиндистоннинг янги ҳукумати Жавоҳарлал Неру сиёсатини, қўшилмаслик ҳамда Совет Иттифоқи ва тинчликсевар бошқа мамлакатлар билан дўстлик сиёсатини ўтказишин давом эттириб келаётганлигини табриклади.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик муносабатлари ҳамда экономика, маданият, фан ва техника соҳаларида жуда кўп алоқалар тўхтовсиз ривожланиб бораётганлигини, бу нарса ҳар иккала мамлакат халқларига ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта фойда етказганлигини ҳар иккала томон хурсандлик билан қайд қилдилар.

Ҳиндистон Президенти янги Ҳиндистоннинг миллий экономикасини ривожлантиришда ва янги Ҳиндистон қурилишида Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилинаётганлигининг катта аҳамияти борлигини уқтириб ўтди. Совет томони Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигини давом эттириш ва ривожлантириш ниятида эканлигини айтди ва Бокародаги металлургия заводини қуришда ёрдам кўрсатиш

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ РЕВОЛЮЦИОН ЙЎЛИ

Яқин кунларда «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи»нинг олти томидан биринчи томи босилиб чиқади. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи»ни КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ КПСС Марказий Комитети қузуридаги Марксизм-ленинизм институти нашрга тайёрламоқда. Бу кўптомли асарнинг нашри 1967 йилда — Улуғ Октябрнинг эллик йиллигига тугалланмоғи лозим. Бу асарда партиямиз ва совет халқининг тарихий тажрибаси чуқур илмий равишда умумлаштириб берилади, совет халқи биринчи бўлиб инсониятга социализмга бориш йўлини очиб берди ва ҳозирги вақтда у муваффақият билан коммунизм қурмоқда.

«Правда» шу асарга бағишланиб биринчи томида эълон қилинган Сўз бошини босмоқда.

«Марксизм ишчилар партиясини тарбиялаганида пролетариат авангардини тарбиялайди — ҳокимиятни қўлга олишга ва БУТУН ХАЛҚНИ социализмга томон ЭЛТИШГА, янги тузумни йўлга солиш ва уюштиришга, барча меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчиларнинг ўз ижтимоий турмушларини буржуазиясиз ва буржуазияга қарши тузишларида уларга устоз, раҳбар, йўлбошчи бўлишга қобил авангардни тарбиялайди». *

В. И. ЛЕНИН.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси кичик-кичик марксистик тўгараклар ва группалардан бошлаб то кўпмиллионли армия — коммунизм қурувчилар авангарди бўлганга қадар қийин ва шонли йўлни босиб ўтди. Ленин партияси уч революция ўтида тобланиб чиниқди; унинг фидокорона, қаҳрамонона кураши ва ҳормас-толмас ижодкорлик фаолияти Ватанимиз тарихий тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади, бутун жаҳон тараққиётига ғоят катта таъсир кўрсатди. Россия меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида чоризмнинг, помещиклар ва капиталистларнинг асрий зулмидан озод бўлдилар, кўпмиллатли социалистик давлат барпо этдилар. Ўз мамлакатларини қолоқлик, жаҳолат ва ҳуқуқсизликдан чиқариб, инсоният тараққиётининг чўққиларига кўтардилар, бу мамлакатни жаҳонда энг қудратли ва илғор мамлакатлардан бирига айлантирдилар. Коммунистик партия меҳнаткаш халққа фидокорона хизмат қилиш туфайли совет кишиларининг меҳр-муҳаббати ва ишончини, бутун дунё меҳнаткашларининг ҳурматини қозонди. Коммунистик партиянинг тарихий тажрибаси — марксизм-ленинизмнинг интернационал хазинасига, халқаро ишчилар ҳаракатининг, социалистик революциянинг, социализм ва коммунизм қурилишининг назарияси ва практикасига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Халқимиз ленинчи партия раҳбарлиги остида биринчи бўлиб инсониятга социализмга бориш учун синалмаган йўлни очиб берди ва ҳозирги вақтда у коммунизм сари йўл солиб, ўзининг намунаси билан, КПСС XXII съездида қабул қилинган коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программаси билан барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини руҳлантирмоқда.

Н. С. Хрушчев партиямиз босиб ўтган тарихий йўлга назар солиб, КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлаган эди: «Партиянинг кучи, унинг марксча-ленинча идеологиясининг кучи ҳаёт синовидан ўтди. Мана, 60 йилдан ошиқ вақт ўтдики, партия марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимотига амал қилиб халқ иши учун курашиб, енгиб келмоқда. Коммунистик партия ўзининг буюк асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленин раҳбарлиги остида ишчилар синфини, меҳнаткаш халқни 1917 йил октябрида энг улкан ғалабага олиб келди. У гражданлар уруши йилларида, гитлеризмга қарши қилинган уруш йилларида халқни Совет Ватанини ҳимоя қилишга уюштирди ва тинч ижодкорлик ишида ғалабаларга эришдики, бу муваффақиятларга бутун дунё қойил қолмоқда!»[1])

КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ нашр этилаётган «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи»ни большевиклар партиясининг асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленин ишлаб чиқди. Ленин партиясининг тарихий йўлини ёритиб бериш, фактларга асосланган кўп материал негизида янги типдаги партия ҳақидаги ленинча таълимотнинг тантанасини кўрсатишга, партиянинг революцион кураши ва ўзгартирувчилик фаолиятининг, турли тарихий шароитларда унинг ташкилий қурилишининг, кўпқирралі тажрибасини, унинг тараққиётидаги қонуниятларни умумлаштириб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу асарда Коммунистик партиянинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси, Совет давлатининг асосчиси, гениал мутафаккир ва пролетар революционери В. И. Ленининг революцион фаолияти ҳар томонлама тадқиқ қилинади; В. И. Ленин марксизм таълимотига қўшган янги фикрлар, Ленин назарий меросининг ғоят катта аҳамияти ва партия раҳбар органларининг кўпқиррали назарий ҳамда амалий фаолияти очиб кўрсатилади.

КПСС тарихини илмий асосда ишлаб чиқиш олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири — меҳнаткашлар оммасининг ва аввало ишчилар синфининг инсониятни прогрессив тараққиёт йўлига солувчи ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ижодкорлигини, Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва етакчилик ролини чуқур очиб беришдан иборат. Асарда В. И. Ленин тарбиялаб етиштирган партия кадрларининг, революцион ҳаракатнинг актив иштирокчиларининг, илғор ишчи-революционерларнинг, партия ва Совет давлати раҳбарларининг фаолияти кенг ёритилади.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи»ни тузувчилар **ленинча партиявийлик принципига** амал қиладилар, бу партиявийлик принципи жуда мустаҳкам илмийликни, объективликни ва принципиалликни, большевистик саботни узвий равишда бирга боғлаб қарайди. Кўп томли асарга асос қилиб олинган бошқа бир муҳим принцип — **тарихийлик принципи** бўлиб, бу принцип фактлар ва воқеаларни конкрет тарихий воқеликка мувофиқ равишда, уларнинг ўзаро алоқадорлигида ва бир-бирини тақозо қилишида, синфий кучларнинг жойланишини ва нисбатини ҳисобга олган ҳолда олиб қаришни талаб қилади. «Марксизмнинг бутун руҳи, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — унинг бутун системаси ҳар бир қоидани фақат (а) тарихий нуқтаи назардан; (б) фақат бошқа воқеалар билан боғлаб, (у) фақат тарихнинг конкрет тажрибаси билан боғлаб текширишни талаб қилади»[1].

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи» илмий коммунизм асосчилари К. Маркс, Ф. Энгельснинг ҳамда партиянинг тузувчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленининг, унинг сафдошлари ва шогирдларининг асарларига, партиянинг ғоят кўп ҳужжатларини ўз ичига олган фондларига асосланади.

Совет тарихшунослиги партия тарихи фанининг ривожланишини бўғиб қўйган Сталин шахсига сиғиниш билан боғлиқ бўлган хаталар ва бузилишларга қарамай, КПСС тарихини ёритишга анчагина ҳисса қўшди. Партия тарихи фанининг ривожланишида янги давр КПСС XXII съездидан кейин бошланди. Шу йиллар ичида тарихчилар ҳужжатларга асосланган кўп материални ишга солдилар, кўпгина ҳал қилувчи масалаларни тадқиқ қилдилар, маҳаллий партия ташкилотларининг тарихига оид бир қанча очерклар ва монографиялар ёздилар. КПСС тарихига оид бу асар совет олимларининг бундан олдин қилган илмий тадқиқот ишларининг якунидир. Бу асарда совет тарихшунослиги ҳамда бошқа ижтимоий фанлар вужудга келтирган ҳамма энг яхши нарсалардан фойдаланилди. Бу кўп томли асарни тузувчилар бирон бир тарихий даврга оид бўлган бутун ҳужжатлар мажмуасини диққат билан ўрганиб чиқар эканлар, бир ёқламаликка ва субъективизмга берилиб кетмасдан, фактлар ва воқеаларни тарихий ҳақиқатга қатъий риоя қилган ҳолда баён қилишни, шахсга сиғиниш натижасида партия тарихи фанида юзага келган ҳамма сохталикларни бартараф қилишни ўзларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Коммунистик партиянинг, унинг асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленининг ижтимоий тараққиётнинг боришига кўрсатган ғоят катта таъсирига бутун дунё ишонч ҳосил қилди. Илғор инсониятнинг КПСС тарихига, В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига тобора кўпроқ қизиқиб қараётганлигининг сабаби ҳам ана шу. Иккинчи томондан, коммунизмнинг душманлари партиямиз тарихини сохталаштириб қоралаб кўрсатишга, большевикларни ишчилар синфидан, халқдан ажралган «бир ҳовуч фитначилар» қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Тарихни сохталаштириб кўрсатувчи буржуа қаллоблари ленинизмнинг шармандаси чиққан душманлари меньшевиклар, троцкийчиларнинг ва душман томонига қочиб ўтган бошқа хоинларнинг мемуарлари ва «асарлари»га суяниб, Октябрь революциясини ҳокимиятни большевиклар томонидан «тасодифан» қўлга олинишидан иборат қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, гражданлар уруши йилларида совет халқи интервенчиларни ва оқ гвардиячиларни ҳам худди шундай «тасодифан» енгган эмиш ва жаҳонда биринчи социализм мамлакати Улуғ Ватан уруши йилларида герман фашизмини ҳам худди шундай «тасодифан» тор-мор келтирган эмиш.

Кўп томли «КПСС тарихи» ҳозирги замондаги барча илғор кишиларнинг партиямиз тарихига қизиқишини қондиришга ёрдамлашади ҳамда ғалабаларимизнинг тарихий қонуниятини инкор қилаётган, КПССга ёвузларча туҳмат қилаётган, унинг обрў-эътиборини ҳамда бутун дунё меҳнаткашларига революционлаштирувчи таъсирини камайтиришга уринаётган буржуа ва майда буржуа қаллобларни, ревизионистларни ва догматикларни фош қилиб ташлайди.

Ҳозирги асрнинг тонгида ленинчи партиямиз ўз жанговар йўлини ишчиларнинг стачка кураши ва баррикада жангларидан бошлаган эди. Ҳозирги кунда бу партия коммунизм қурувчи совет халқига раҳбарлик қилмоқда, у халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг танилган авангардидир. Партиямизнинг жўшқин ва кўпқиррали тарихий фаолияти — халқ учун, ер юзидаги барча кишиларнинг бахт-саодати ва роҳат-фароғати учун мисли кўрилмаган жасорат кўрсатишдан иборат.

Илмий социализмнинг ишчилар ҳаракати билан қўшилиши натижасида пайдо бўлган ленинчи партия ўз программаси, сиёсати, стратегия ва тактикасини, ўз ташкилотини марксча-ленинча таълимотга, революцион назария билан практиканинг чамбарчас бирлигига асослаб келди ва асосламоқда.

Октябрнинг 50 йиллигига мослаб нашр этилаётган КПСС тарихининг фундаменталь илмий асари партиянинг ўз ҳаёти даврида тўплаган оламшумул-тарихий тажрибаси ва назарий бойлигини эгаллаб олишга, уларни демократия, социализм ва коммунизм учун курашнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиш учун ижодий татбиқ қилишга ёрдам кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. КПСС тарихини ўрганиш ишчилар синфининг ва унинг авангардининг революцион традицияларини халқнинг хотирасига солиш билан янги кишини — коммунизм учун актив курашчини шакллантиришга, совет кишиларини партия ва халқнинг буюк революцион ишлари учун олижаноб ватанпарварларча фахр-ланиш руҳида тарбиялашга ёрдамлашади. «КПСС тарихи»нинг майдонга чиқиши ҳозирги замон коммунистик ва ишчилар ҳаракати томонидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жуда бой тажрибасини ўргана боришга ёрдамлашади.

★

Кўп томли асарнинг структураси большевизм тарихининг асосий даврлари ҳақидаги ленинча кўрсатмаларга мувофиқ равишда ва бизнинг тарихшунослигимизда барқарор бўлган даврларга бўлишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Коммунистик партиянинг бутун тарихий йўли уч катта даврга бўлиниб, бу даврлар объектив социал-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг характери билан мамлакатдаги синфий кучларнинг нисбати билан ва шунга асосланган ҳолда партиянинг асосий программ вазифалари билан ҳамда партия фаолиятининг ташкилий формалари ва методлари билан бир-биридан фарқ қилади.

«Ишчилар синфи ва унинг Коммунистик партияси, — деган эди Н. С. Хрушчев, — ўз курашида уч оламшумул тарихий босқични: эксплуататорлар ҳукмронлигини ағдариш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш; социализм қуриш; коммунистик жамият барпо қилиш босқичларини ўтади»[1]. Бу босқичлардан ҳар бири партия ҳаёти ва фаолиятида қисқароқ даврларга бўлиниб, бу даврлар кўп томли «КПСС тарихи» структурасига қуйидагича асос қилиб олинди: 1) янги типдаги марксистик партиянинг тузилиши (1883—1903 йиллар); 2) чор самодержавиесини ағдариб ташлаш учун кураш (1904—1917 йил февраль); 3) Коммунистик партия — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг ҳамда социалистик Ватан мудофаасининг илҳомчиси ва ташкилотчиси (1917 йил март — 1920 йиллар); 4) Коммунистик партия СССРда социализм қуриш учун курашда (1921—1937 йиллар); 5) Коммунистик партия социализмни мустаҳкамлаш даврида, Улуғ Ватан уруши йилларида, урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларида (1937—1952 йиллар); 6) Коммунистик партия СССРда коммунизм қуриш учун ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда (1953—1967 йиллар).

Асарда ғоявий қўмм сифатида ва партия сифатида большевизмнинг шакланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни: Россияда янги типдаги партиянинг пайдо бўлиши қонуниятини ва объектив заруратни, унинг ўтмишдошлари, В. И. Ленининг ва ленинчи «Искра»нинг Россиядаги революцион кучларни ишчилар синфининг ягона марксистик партиясига жипслаштириш учун курашдаги ролини, большевизмнинг ва большевистик партиянинг пайдо бўлишининг оламшумул-тарихий аҳамиятини ёритишга катта ўрин берилган.

Коммунистик партия XX асрнинг бошларида сиёсат майдонига чиқди. Бу инсоният тарихида бурилиш пайти эди. Ўзининг охирги, империалистик босқичига қадам қўйган капитализм халқларга беҳисоб кулфатлар келтирди, иқтисодий ва сиёсий зулмни кучайтирди, ҳамма соҳада реакцияни авж олдирди, ишлаб чиқарувчи кучларни мустамлакачилик авантюраларига, дунёни қайтадан бўлиб олиш учун қонли урушларга беҳуда сарф ва исроф қилди. Лекин ўзининг энг юқори ва охирги босқичига қадам қўйган худди шу капитализмнинг ўзи янги ижтимоий тузумга — социализмга ўтиш учун ўтмишдагига қараганда янада кенгроқ объектив шарт-шароитлар — техникавий ва иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда бундай ўтиш учун янада етукроқ субъектив шарт-шароитларни: миллионларча омманинг норозилиги ва қаршилиги ўсиб, кучайиб боришини ҳам вужудга келтирди. Янги тарихий давр, революцион бўронлар ва социал ларзалар даври бошланди, бу даврда ҳал қилувчи сўзни пролетариат айтиши лозим эди. «Тарих ишчилар синфи зиммасига меҳнаткашларнинг озодлик учун курашида ва социалистик жамият барпо қилишда уларга йўлбошчилик қилиш каби улуғ вазифани юклади. Шу билан бирга революцияларнинг, халқ оммасининг озодлик курашининг сабоқлари, пролетариатнинг ҳаракатлари тўғри назария билан ёритилган, унинг кучлари эса революцион ташкилот томонидан бирлаштирилган тақдирдагина пролетариат ўзининг тарихий вазифасини бажара олишини кўрсатди. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг генийсидан бунёдга келган бу назарияни — илмий коммунизмни — янги шароитда В. И. Ленин, унинг сафдошлари ва шогирдлари ҳамда барча марксчи-ленинчиларнинг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати аъзолари арбобларининг коллектив кучайрати билан янада ривожлантирилди. Марксизм-ленинизмнинг асосчилари ишчилар синфини ўз сиёсий партиясини тузишга, пролетар ҳаракатининг барча эксплуатация қилинувчиларнинг манфаатлари билан мувофиқ келадиган туб манфаатларини ифодаловчи партиясини тузишга чақирдилар ва янги, социалистик жамият қуришнинг асосий йўлларини белгилаб бердилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистлар союзи» ва I Интернационалнинг бутун фаолияти пролетариат партиясини тузиш учун курашга бағишланган. II Интернационал даврида унинг революцион, марксчи қаноти пролетариат буюк устозларининг традицияларини давом эттирди. Лекин Ғарбий Европада Париж Коммунаси бостирилгандан кейин революцион ҳаракат пасая бошлаган шароитда, нисбатан тинч ривожланиш шароитида шаклланган социал-демократик партияларнинг заифлиги XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошидаёқ ўзини кўрсата бошлади. Майда буржуа элементлар бу партияларнинг сафларига кўплаб кириб қолганлиги оппортунистик иккиланишларни кучайтириб юборди, мавжуд тузум доирасида тўла ғалаба қозониш мумкин деган хом хаёлларни туғдирди. II Интернационалнинг кўпгина идеологлари ва йўлбошчилари ревизионистларга ғоявий ва сиёсий ёнберишлар ҳисобига улар билан сулҳ тузишга тобора кўпроқ мойил бўлавердилар. II Интернационалнинг Ғарбий Европадаги партияларида реформистик, оппортунистик қанот тобора кўпроқ кучая берди, кураш руҳи, социализм ва интернационализмнинг буюк идеалларига содиқлик руҳи сўнаверди.

Ишчилар аристократияси ўсиб бораётганлигидан озиқланган реформизм ўз позицияларини кенгайтира борди ва оқибат натижада II Интернационални ҳалок қилди. Тарих сабоқлари шуни кўрсатдики, янги даврда «қўрқмай олдинга қараб бориш, ишчилар синфининг тайёрловчи, легал ташкилотларидан, оппортунизм асир қилиб олган ташкилотларидан» ҳокимият учун курашга», буржуазияни ағдариб ташлаш учун курашга киришаётган пролетариатнинг революцион ташкилотларига, легаллик билан чекланмаслики билдиради, ўзини оппортунистик хиёнатдан амин қила оладиган революцион ташкилотларга қараб бориш мумкин ва бориш лозим»[1].

Жуда катта иқтисодий қувватга ва сиёсий ҳукмронликка эга бўлган душманни енгмоқ учун ва зулм ва зўрликнинг ҳарбий-бюрократик машинасини синдириб ташламоқ учун пролетариатга назарий фикр билан революцион ҳаракат бирлигини ўзида мужассам қиладиган партия керак эди; интизомли, довюрак ва иродали курашчилардан, инсоният жамияти тараққиётининг объектив қонунларини тушунадиган, ўз ишининг ҳақлигига ва енгилмаслигига асстойдил ишонган, омма билан чамбарчас боғланган курашчилардан иборат партия керак эди, ҳар қандай сектантчиликка узвий равишда душман бўлган, чуқур революцион традицияларга таянадиган, ижчил пролетар интернационализми принципларига асосланган партия керак эди. Буржуазияга нисбатан муросасиз бўлган ҳамда келишувчиликка ва догматизмга ёт бўлган, ҳар қандай шароитда — революцион кўтаришлар даврида ҳам, революцион тўлқин пасайиб, тинчиб қолган, реакция вақтинча тантана қилган вақтда ҳам кураш олиб боришга лаёқатли бўлган дадил ва пишиқ партия керак эди, асосий мақсадга эришишни: пролетариатнинг ҳокимиятни қўлга олишини, капиталистик жамиятни революцион йўл билан социалистик жамиятга айлантиришни таъминлай оладиган, хилма-хил тактика воситаларидан ва ташкилий формалардан фойдаланишни биладиган партия керак эди.

Марксизм-ленинизм тарихий жараёнинг **етакчи** кучи бўлган, иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг ҳақиқатан қандай бораётганлигини билишга таянадиган ҳамда синфий кучларнинг нисбатини ва ҳар бир тарихий пайтнинг хусусиятларини тўғри ҳисобга оладиган революцион марксчи партиянинг аҳамиятига юксак баҳо беради.

Россияда янги, ленинча типдаги партия вужудга келганлиги фақат миллий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга жуда катта интернационал аҳамиятга ҳам эга бўлди. **Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг бутун жараёнин большевизмни вужудга келтирди.**

Худди бизнинг мамлакатимиз янги типдаги партиянинг ватани, ленинизм ватани бўлиб қолганлигини тасодифий бир ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу — объектив тарихий қонуният бўлди. Тарихан шундай аҳвол вужудга келдики, янги даврда Россиянинг ишчилар синфи социалистик революцияларнинг биринчи даврасини бошлаши, бутун инсониятга социализм йўлини очиб бериши лозим бўлиб қолди. К. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести»нинг русча нашрига ёзган сўз бошидаёқ 1882 йилда «Россия Европадаги революцион ҳаракатнинг илгор отряди»[2] деб ёзган эдилар. Ф. Энгельс 1893 йил 5(17) октябрда Н. Ф. Даниэльсонга ёзган хатида либерал народникларнинг тарихий пессимизмига қарши эътироз билдириб, Россиядаги «буюк ва юксак истеъдодли халқнинг» ҳаётий кучига ва унинг революцион истиқболларига донолик билан баҳо берган эди. Энгельс капитализмнинг салбий томонларини ва у халққа жуда катта машаққатлар келтираётганлигини кўрсатиб, шу билан бирга унинг мамлакатни ривожлантиришдаги прогрессив ролини қайд қилиб ўтган эди. «...Капитализм, — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — янги истиқболлар ва янги умидлар очиб беради. Ғарбда у нималар қилганлигига ва қилаётганлигига бир назар солинг. Сизнинг миллатингизга ўхшаш буюк миллат ҳар қандай тангликни енгиб чиқаолади. Шундай бир буюк тарихий офат йўқки, унинг эвазига бирор тарихий тараққиёт рўй бермаган бўлсин. Ҳаракат усулигина ўзгаради, холос. Мўлжаллаб қўйилган иш рўёбга чиқади!»[1]

В. И. Ленининг ибораси билан айтганда, Россия марксизмни «ҳақиқатан ҳам азоб-уқубат билан қўлга киритганди». Россиянинг илгор фикри ярим аср давомида ўзининг хатолари ва адашишлари учун оғир қурбонлар бериб тўғри назарияни қидирди. Марксизмнинг ўтмишдошлари бўлган бутун бир қўрқмас революционерлар авлоди халқ иши учун ўз жонларини фидо қилдилар. 60-70 йилларда ва 80 йилларнинг бошидаги революционер-демократлар самодержавиега катта зарбалар бердилар, лекин кудратли душманни енга олмадилар. Улар ўз мақсадларига, халқ революциясига эриша олмадилар, чунки бундай революция учун тарихий шароит ўша вақтда ҳали тўла равишда етилмаган эди. Бу революцияга олиб борадиган тўғри йўл ҳам топилмаган эди.

Революцион народникликка берилган ленинча баҳо КПСС тарихига доир бу кўп томли асарда тикланди. В. И. Ленин революцион народникликни кейинги вақтлардаги либерал народникликка асло ўхшатмаган эди. «...Марксистлар, — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — народниклик утопиясининг пўчоқлари ичидан деҳқонлар оммасининг самимий, қатъий жанговар демократизмининг соғлом ва қимматли мағзини астойдил ажратиб олишлари керак.

Ўтган асрнинг 80-йилларидаги эски марксистик адабиётда бу қимматли демократик мағзини ажратиб олиш йўлида мунтазам суратда қилинган интилишни топиш мумкин. Тарихчилар бу интилишни қачон бўлса ҳам бир кун систематик равишда ўрганадилар ва XX асрнинг биринчи ўн йилида (большевизм) номини олган нарса билан унинг алоқаси борлигини кўрадилар»[2].

В. И. Ленин революцион народникларнинг революцион демократлар тарақасида қилган хизматларини тақдирлаш билан бирга уларнинг утопик назариясини, анархистик майда буржуа революционлигини, улар тарихий тараққиётнинг муқаррар босқичларини «қолдириб сакраб» ўтишга интилганликларини ҳар томонлама ва асосли равишда танқид қилди.

XX асрнинг бошида жаҳон революцион ҳаракатининг маркази Ғарбий Европадан Россияга кўчди. Ғарбий Европанинг энг катта мамлакатларида буржуа-демократик революциялар даври ўша вақтга келиб тугалланган эди, социалистик революцияларга эса улар ҳали етиб келмаган эди. Россияда эса империализм давридаги биринчи буюк халқ революцияси — чоризмга қарши, капитализмнинг энг янги, монополистик капитализм формаларигача бориб етган ҳамма шаклдардаги капитализм билан маташиб кетган крепостнойлик қолдиқларига қарши революция етилиб келаётган эди. Шу сабабли мисли кўрилмаган даражада кескинлашиб кетган социал зиддиятлар бутун деҳқонларни, мазлум халқларни пролетариат теварагида бирлаштирмоқ учун, умумдемократик ҳаракатда пролетариатнинг гегемонлик қилиши учун ва ниҳоят буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга бевосита ўтиш учун шарт-шароитни объектив равишда вужудга келтирди.

В. И. Ленин 1902 йилда бундай деб ёзди: «Тарих ҳозир бизнинг олдимизга яқин орадаги вазифани кўндаланг қилиб қўйди, бу вазифа бошқа ҳар қандай мамлакат пролетариатининг **ҳамма энг яқин** вазифаларидан ҳам **энг революцион** вазифадир. Бу вазифанинг амалга оширилиши Европа реакциясинингина эмас балки шу билан бирга (ҳозир биз айта оламиз) Осиё реакциясининг ҳам энг қудратли таянчининг яксон қилинишиз рус пролетариатини халқаро революцион пролетариатнинг авангардига айлантиради».[3]

Россиядаги пролетар партияси мана шу жаҳоншумул-тарихий вазифани — демократик ва социалистик революцияни тайёрлаш вазифасини амалга ошириш белгиси остида вужудга келди. XIX аср 80 йилларининг ўрталаридан бошлаб то 1903 йилгача бўлган қисқа муддат ичида ҳали ишчилар ҳаракати билан боғланмаган марксчи тўгараклардан пролетариатнинг революцион активлиги кўтарилиб бораётганлигига таянувчи сиёсий партияга томон жуда катта қадам ташлаб ўтилди.

К. Маркс. идеялар омманинг онгига сингиши билан буюк моддий кучга айланади, деб айтган эди. Лекин идеялар омманинг онгига ўз-ўзича сингмайди. Бунинг учун ишчилар синфи партияси актив иш олиб бориши керак. Фақат шу туфайлигина революцион назария оммавий пролетар ҳаракати билан қўшилиши мумкин.

Авторлар большевизмнинг шаклланишидаги асосий босқичларни кўздан кечириб Петербургдаги «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»нинг фаолиятини мумкин қадар тўлиқроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Илмий социализмни оммавий ишчилар ҳаракати билан қўшишга В. И. Ленин раҳбарлигида янги типдаги революцион марксчи партиянинг куртаги бўлган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» томонидан асос солинган эди. Бу ташкилот жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди, чунки Ленин партиясининг бошланиши худди шу ташкилотдандир. Россияда социал-демократик партия тузилганлигини эълон қилган ва манифест чиқарган РСДРП I съезди-нинг ролига муносиб ўрин берилган. В. И. Ленин бу манифестнинг асосий қоидаларига қўшилган эди. Биринчи съезд партия тарихига муҳим воқеа бўлиб кирди. «Легаль марксчиларнинг», «экономистларнинг», «бундчиларнинг» ва бошқа миллатчиларнинг оппортунизмига қарши, ғоявий ва ташкилий парокандаликни йўқотиш ва II съездни тайёрлаш учун В. И. Ленин ва «Искра» газетаси олиб борган кескин кураш кўптомли асарда кўрсатиб берилди. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек илгор ишчиларнинг қаҳрамонона кучғайрати билан худди 1900—1903 йилларда «Россияда революцион пролетариатнинг оммавий партиясига асос солинди»[1].

РСДРПнинг II съезди «Искра» илгари сурган ва ишлаб чиққан принципиал ва ташкилий негизларга большевистик партияни вужудга келтирди. «Большевизм, — деб ёзди В. И. Ленин, — сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан бери яшамоқда».[2]

Партиямизнинг РСДРП II съездида қабул қилинган **биринчи Программаси** марксчи пролетар партиясининг изчил революцион программаси бўлди. Социал-демократик партияларнинг программалари орасида бирдан-бир шу программа социалистик революциянинг ва эксплуататор синфлар қаршилигини бостиришнинг зарур шарти тариқасида **пролетариат диктатурасини** қўлга киритиш вазифасини равшан ва муайян қилиб қўйди. Программада партиянинг энг яқиндаги сиёсий вазифалари — чоризмни ағдариб ташлаш ва демократик ғалабаларга эришиш вазифалари ҳақида ҳам гапирилган эди. РСДРП программаси буржуа-демократик ва социалистик революцияларнинг ғалабаси учун курашда партиянинг қудратли қуроли бўлди.

Партиямизнинг шундан кейинги бутун ривожланиши **янги типдаги марксчи партияни қуришга асос қилиб олинган ленинча-искрача ташкилий принципларнинг буюк қимматга эга эканлигини** тасдиқлади. Бу принциплар оппортунизмга қарши пўлат ғов бўлди, тарихий босқичларнинг ҳаммасида бу принциплар партиямиз сафларидаги революцион марксча қарашлар ва ҳаракатларнинг бирлигини қаттиқ муҳофаза қилиб келди, партиямизнинг темир интизомини — бузғунчилар ва нифоқчилар билан курашда партиянинг жанговар қуроли бўлган темир интизомни мустаҳкамлаб келди.

Жаҳонда биринчи марксчи-ленинчи партиянинг вужудга келганлиги фақат Россия ишчилар ҳаракатининг тарихидагина эмас, шу билан бирга халқаро ишчилар ҳаракатининг тарихида ҳам тўлби бурилиш бошлаб берди. Меҳнаткашларни жамиятни революцион йўл билан қайта қуриш йўлидан дадил бошлаб бора оладиган, «давримизнинг ақл-идроки, шоншарафи ва виждони»ни ўзида гавдалантирган қудратли куч пайдо бўлди.

Тарихий жараёнда марксчи партия ўйнаши лозим бўлган жуда катта ролни ўша пайтда ошкора оппортунистларгина эмас, қаттоки II Интернационалнинг энг яхши кишилари ҳам тушунмаган эдилар. Ҳатто II Интернационалдаги сўл унсурлар меньшевикларга эргашиб Ленин ва большевикларни «ўта централизм»га, «бланкизм»га берилиб кетди, пролетар партиясининг роли ва аҳамиятига ортиқча баҳо бериб юборди, деб айбладилар. II Интернационалдаги сўллар большевикларнинг тарихий тажрибасини ўз вақтида ҳисобга олганларида эди, эҳтимолки, Ғарбий Европадаги ишчи партиялари биринчи жаҳон урушини анча тайёрланган ҳолда кутиб олган бўлур эдилар. 1918 йилги Ноябрь революцияси даврида Германиядаги воқеаларнинг бориши герман пролетариати учун эҳтимолки анча қулайроқ бўлган бўлур эди.

Ленин партияси **марксизм назариясининг энг мустаҳкам негизида вужудга келди, Ғарбдаги социалистик ҳаракат, шунингдек Россиядаги революцион-демократик ва ишчилар ҳаракати берган ҳамма яхши нарсаларнинг қонуний ворриси ва давомчиси бўлиб қолди.** В. И. Ленин, рус марксистлари ўзларининг революцион фаолиятларини кўп миллатли мамлакатда авж олдирар эканлар, Россия ва бутун дунё халқларининг миллий озодлик ҳаракатларини жуда катта аҳамият бериб кузатиб турдилар, бу ҳаракатнинг тарихий тажрибасидан фойдаландилар.

Большевистик партия ўзи вужудга келган пайтдан бошлаб революцион ҳаракатларга аввало шунинг учун тайёр бўлиб турдики, у ижтимоий ривожланишнинг қонуниятларини, пролетариат синфий курашининг йўллари ва воситаларини ёритиб берувчи илғор илмий назария билан қуролланган эди.

В. И. Ленин ўз революцион фаолиятининг биринчи қадамларидан бошлаб ҳаракатга қўлланма бўлган назариянинг аҳамиятини баланд қўтарди. «Танқид эркинлиги» деган сохта шиор остида марксизмнинг революцион руҳини ситиб чиқаришга уринган ревизионистларнинг ошкора ва ниқобланган ҳамлаларидан В. И. Ленин марксизм таълимотини ҳамиша ҳимоя қилди. В. И. Ленин ўлик ҳарфхўрликка, ривожланиб бораётган ишчилар ҳаракатининг, революцион ҳаракатнинг жонли масалаларини ҳал қилишда сохта марксистик доктринерликка нисбатан ҳам муросасиз бўлди. У назарияни практикадан, воқеликдан ажратиб қўйиш догматизмнинг илдизи деб ҳисоблади. В. И. Ленин ўз революцион фаолиятининг дастлабки пайтларидаёқ, назарияни практика билан қўшиш «социал-демократларни социалистларнинг бир неча гуруҳлари тез-тез дучор бўлиб дард чекаётган нуқсонлардан — догматизм ва сектантлик дардидан сақлайди»[1] деб ёзган эди.

Россия воқелигининг энг актуал масалаларини марксизм дунёқарашига, марксча диалектик методга амал қилиб ечиб беришни В. И. Ленин ва унинг сафдошлари — большевистик партияни қурувчилар — ўзларининг вазифалари деб билдилар. Лекин Россиянинг, ундаги ишчилар ҳаракатининг проблемалари, рус революциясида синфий кучларнинг жойланиши жаҳондаги вазият билан, жаҳон капитализми ривожланишининг масалалари билан, барча халқлар озодлик курашининг истиқболлари билан жуда кўп иплар орқали боғланган эди. Шу сабабли партиянинг биринчи Программасида бундай деб ёзиб қўйилган эди: «Россия социал демократияси ўзини пролетариат жаҳон армиясининг отряларидан бири деб ҳисоблаб, бошқа барча мамлакатларнинг социал-демократлари интилаётган пировардги мақсаднинг худди ўзини кўзлайди»[2] В. И. Ленин, большевиклар рус революциясининг проблемаларини ҳал қилиш билан бутун марксизм назариясини олга сурдилар. В. И. Ленининг назарий ва амалий фаолияти марксизм тарихида янги босқич очди. **Ленинизм — XX асрнинг, капиталистик тузум емирилаётган даврнинг, пролетариат социал революцияси ва миллий-мустамлака революциялари даврининг, социализм ва коммунизм ғалабаси даврининг марксизмидир.**

Партия ўз доҳийси ва устозидан революцион марксча-ленинча назарияга ижодий ёндошишни ва уни кўз қорачиғидай сақлашни мерос қилиб олди. Партия икки фронтда — ревизионистлардан иборат ошкора оппортунизмга қарши ва дабдабали «сўл» гаплар билан ниқобланган оппортунизмга, майда буржуа революционлигига қарши муросасиз кураш олиб бориш натижасида вужудга келди. Партия марксизм-ленинизмнинг софлигини ҳаммавақт оғишмай ҳимоя қилиб келди ва ҳимоя қилмоқда, уни гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан туриб сохталаштириш, бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба бериб келди ва зарба бермоқда.

Партиямизнинг, янги типдаги партиянинг характерли хусусияти — **ун

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ РЕВОЛЮЦИОН ЙЎЛИ

(Боши учинчи бетда).

Илгор ишчилар Ленининг «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»ни ташкил қилишда муҳим роль ўйнадилар, улар ленинчи «Искра» нинг актив арбоблари бўлдилар. XX аснинг бошидан бошлаб революционер-ишчилар интеллигенция орасидан чиққан илгариги революционерлар авлодининг ўрнини эгаллай бошладилар. Чор ҳукуматининг репрессияларига дучор бўлган революцион ҳаракат иштирокчилари ўртасида ишчилар биринчи ўринни эгаллай бошладилар.

Совет Иттифоқининг Коммунистик партияси Россиядаги қаҳрамон ишчилар синфининг чинакам фарзандидир.

Иккинчи Интернационалнинг ўнг лидерлари ва рус меньшевиклари, ишчилар партияси деҳқонлар билан қизиқмаслиги керак, чунки деҳқонлар, ғирт реакцион оммадир деб ҳисоблардилар. Улар меҳнаткашларни революцияга бошлаб бормоқчи эмас эдилар, шунинг учун ҳам пролетариатнинг иттифоқчилари ҳақида қайғурмадилар. Коммунистик партия, янги типдаги партия — омма партиясидир. В. И. Ленин бу партия аъзоларини аҳолининг ҳамма қатламлари ичига кириб боришга, уларни тарбиялашга, ишчилар синфи ва унинг авангарди тевирагига жипслаштиришга даъват қилди. Биринчи рус революциясиёқ В. И. Ленининг, **ишчилар синфининг роли унинг аҳоли составидаги салмоғига қараганда беқиёс даражада катта ва муҳим бўлади,** деган башоратини жуда яхши тасдиклаб берди.

В. И. Ленин Россия социал демократияси салафларининг меросини диққат билан ўрганиб ва унга муносиб баҳо бериб, Россия революцион ҳаракатида «демократик боғланишнинг» авлоддан авлодга ўтиб келаётганлигини ҳаммавақт таъкидлар эди.

У, пролетариат ҳозирги жамиятда ўзининг алоҳида мавқега эга эканлигини ва инсониятни иқтисодий ёлланма қулликдан халос қилишдаги ўзининг алоҳида оламшумул-тарихий вазифаларини бир дақиқа ҳам ёдидан чиқармай, «шу билан бирга **озодлик** учун курашнинг умумхалқ байроғини кўтаради»[1], демократия учун илгор курашчи бўлиб майдонга чиқади, деб кўрсатган эди.

Ленин партиясининг энг муҳим хусусияти — ишчилар синфи ўзининг тарихий халоскорлик вазифасини бажариши учун **ташкилотнинг** ғоят катта **аҳамиятга эга эканлигини** эътироф қилишда ҳамдир. В. И. Ленин ташкилий масалаларни партия қурилиши тўғрисидаги фан даражасига кўтарди, ташкилотнинг янги формаларини дадиллик билан ижод қилишга даъват этди. Пролетариат марксистик авангардининг ташкилоти Ленин тузган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»дан бошлаб бир неча йил мобайнида революция вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топиб ва қайта қурилиб турди. Меҳнаткашлар билан тўхтовсиз алоқа қилиб турилиши натижасида пролетар-революционернинг, халқ трибунининг, пропагандист ва омма ташкилотчисининг типи ташкил топа борди. Революцион курашнинг ҳар бир босқичида партияга ишчилар синфининг ичидан янги-янги кучлар келиб турди. Искрачилар, правдачилар каби шонли номлар революцияга янги жангчилар авлодининг келиб турганлигини, улар бир бири билан мустаҳкам алоқада бўлганлигини ва бир-биридан ўрганганлигини кўрсатувчи тимсолдир. Партия жуда катта тажриба тўплаб капитализм қалъасига штурм қилувчи оммаларнинг тенги йўқ ташкилотчиси сифатида майдонга чиқди.

Буржуа ва майда буржуа шовинизмига, тор миллатчиликка, реакцион идеологияга ҳамда ирқий ва миллий мутлоқлик сиёсатига қарама-қарши турувчи ижчил пролетар интернационализми — Ленин партиясининг энг яхши хусуситларидан биридир. Большевистик партия аввал бошданоқ Россия империясидаги кўпдан кўп миллатларга мансуб бўлган илгор ишчиларнинг партияси сифатида таркиб топди. У барча меҳнаткашларни социал озодликка чиқаришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйиб, миллий озодлик вазифасини, халқлар тюрьмаси бўлган ҳукимни тугатиш вазифасини ҳеч вақт эътибордан қочирмади.

Ленин партияси ўзининг вужудга келган кунидан бошлаб халқаро ишчилар ҳаракатининг отрядларидан бири сифатида иш олиб борди. У ўзининг бутун тарихи давомида К. Марксниг қуйидаги кўрсатмасига амал қилиб келмоқда:

«Ўтмиш тажриба шуни кўрсатдики, турли элларнинг ишчилари ўртасида тузилиши лозим бўлган ва уларни ўзларининг озодликлари учун курашларида бир-бирларини қаттиқ қўллашга ундайдиган биродарлик иттифоқига менсимай қаралганда, уларнинг тарқоқ ҳолда зўр беришлари умуман мағлубият билан жазоланади»[2].

Коммунистик партия ўз мамлакатининг меҳнаткашларига хизмат қилишни интернационал бурчи бажариш билан чамбарчас боғлайди. Партия самодержавиега қарши кураш олиб борар экан, бу билан бутун дунёдаги озодлик ҳаракатининг ривожланишини енгиллаштираётганини яхши тушунар эди. В. И. Ленин «Россия пролетариати бутун инсониятни чор монархиясининг исподидан озод қилиш йўлида ҳеч қандай қурбонлардан тортинмайди[3] деб фахр билан гапирган эди. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, халқлари капитализм устига ҳамла қилиб, сўнгра янги жамият қуриб ва уни интервенция ва гражданлар уруши йилларида жаҳон империализмидан, герман фашизмининг хужумидан қаҳрамонона ҳимоя қилиб, социализм ва инсоният тараққиёти йўлида ҳар қандай қурбон беришдан қайтмади. Халқни ўз сиёсатининг тўғрилигига **ишонтира оладиган** янги типдаги марксча-ленинча партия, халқ билан яқиндан боғланган партия раҳбарлиги остидагина социализм ғалаба қилган, жаҳон социалистик системасининг бузилмас таянчига айланган мамлакат барча синовларга бардош бера олди ва жуда катта куч тўплай олди. Тарихда биринчи социалистик давлатни идора қилувчи партия бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг сиёсий ва амалий ишини ҳаммавақт жаҳон озодлик ҳаракатининг манфаатларини ҳисобга олиб туриб олиб борди. В. И. Ленин васиятларига содиқ бўлган партия **«барча мамлакатларда** революцияни ривожлантириш, қўллаш, қўзғатиш учун бир мамлакатда амалга ошириш мумкин бўлган барсаларнинг ҳаммасини амалга оширди»[1], ўз кучига ва конкрет тарихий шароитга қараб ёрдам бериш формасини танлаб, чинакам интернационалистик тактика юргизиб келди ва юргизмоқда.

Худди шунинг учун ҳам бизнинг партиямиз жаҳон пролетарияти ва унинг авангарди — халқаро коммунистик ҳаракат, шунингдек ер юзининг барча қитъаларидаги миллий озодлик ҳаракатининг хайрихоҳлиги ва актив мададидан фойдаланиб келди ва фойдаланмоқда.

★

Партия тарихининг **биринчи** босқичидаги партия фаолияти, унинг буржуа демократик ва социалистик революцияларда омманинг революцион курашига қилган раҳбарлиги тажрибасини умумлаштириш ва ёритиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўн беш йилча вақтни ўз ичига олган нисбатан қисқа бир давр ичида партия В. И. Ленин бошчилигида жуда катта назарий бойлик тўплади, пролетариатнинг синфий кураш стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқди ва уларни революцион жанглар ўтқа синаб кўрди, марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришни ва турмушга оширишни ўрганди.

Пролетариатнинг синфий жанглари партияга ўзининг авангардлик ролини ғоят қийин ва мураккаб вазиятда амалга оширишга тўғри келди. Тинчлик йиллари уруш йиллари билан, революциянинг кўтарилиш даврлари унинг пасайиш даврлари билан, ишнинг озми-кўпми легал шароитлари шафқатсиз полиция репрессиялари билан алмашиниб турди. Партиядан ниҳоятда зийрак бўлиш, вазиятни тездан тушуниб ола билиш ва тўғри қарорлар қабул қила билиш талаб қилинди: фавқулодда эпчил бўлиш ва айни замонда сиёсий йўлни ўтказишда букилмас қатъият, фидокорона революцион қаҳрамонлик кўрсатиш зарур эди. Модомики партия ўзининг тарихий бурчига муносиб иш қилган экан, модомики у мана шу ғоят мураккаб сиёсий ва ҳарбий бўронлар шароитида, кўпдан кўп кўз илғамас тўсиқлар бўлишига қарамай, тўғри йўлдан бора олган экан, бунинг сабаби аввало шундаки, ғ марксча-ленинча назарияга, яъни пролетариат диктатураси учун кураш бораётган вақтда В. И. Ленин асардларида ижодий ривожлантирилган назарияга амал қилиб келди.

В. И. Ленин партияга ва оммаларнинг революцион ҳаракатига раҳбарлик қилишдан иборат оғир амалий ишни ундан енгил бўлмаган назарий иш билан узвий равишда боғлаб олиб борди. Унинг асарларида пролетариат синфий курашининг барча энг муҳим масалаларига аниқ жавоблар берилди, партия сиёсати, партия ишининг форма ва методлари илмий жиҳатдан чуқур асослаб берилди. Биринчи рус революцияси даврида В. И. Ленин пролетариатнинг буржуа демократик революциядаги тактикасини ишлаб чиқди. Реал вазиятни эътиборга олмаган ва Ғарбий Европа намуналарига догматикларча ёпишиб олган меньшевикларга зарба бериб, В. И. Ленин революциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги масалани: пролетариатнинг революция гегемони сифатидаги роли, деҳқонларнинг пролетариат иттифоқчиси сифатидаги роли масаласини бутунлай янгича қўйди.

В. И. Ленин меньшевикларнинг партия тактикасининг конкрет масалаларига биринчи рус революциясининг буржуа характери тўғрисидаги умумий ҳақиқатни оддийгина мантиқан ривожлантиришдан жавоб ахтариш йўлидаги уринишларини таҳқид қилиб, агар революция ўзининг асосий характери жиҳатидан буржуа революцияси бўлса унда либерал буржуазия гегемон бўлиши керак, деган меньшевистик мулоҳазаларни таҳқид қилиб, меньшевикларнинг бу қарашлари «марксизмни бузмоқ ва диалектик материализмни бутунлай масхара қилмоқдир»[2] деб кўрсатган эди.

1905 йилги революция жараёни большевикларнинг ленинча тактикасининг тўғрилигини тасдиқлади. Пролетариатнинг демократик революциядаги гегемонлиги муқаррар тарихий факт бўлди. Ғарбнинг биринчи рус революцияси ўзининг социал мазмуни жиҳатидан буржуа-демократик революция бўлган бўлса-да, у кураш воситалари жиҳатидан, ишчилар синфининг етакчи роль ўйнаганлиги жиҳатидан пролетар революцияси эди. Шунинг учун ҳам Ленин бу революцияни буюк ва қудратли революция деб атади. Россия пролетариати 1905 йилги революциядаёқ инсониятга озодлик ва социализм учун кураш намуналарини кўрсатиб берди. Биринчи рус революцияси Октябрь революциясга олдидан қилинган чинакам «генерал репетиция» бўлди. 1905 йилда ишчи депутатлари Советлари пайдо бўлди; В. И. Ленин доҳиёна башорат қилиб бу Советларнь янги революцион ҳокимиятнинг куртаклари, деб атади. 1905 йилги шонли революцион традициялар ишчилар синфининг 1917 йил октябрда ғалаба қозонишининг энг муҳим факторларидан бири бўлди.

В. И. Ленининг буржуа-демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисидаги таълимоти социалистик революция назариясига қўшилган энг буюк ҳисса бўлди. Бу таълимот Троцкийнинг перманент революция «назарияси»га, яъни деҳқонларнинг революцион имкониятларини инкор қилувчи ва Россиядаги революциянинг ғалабасига ғарбдаги революцияни «туртиб юбориш» воситаси сифатидагина қаровчи «назарияга» қақшатқич зарба берди. Меньшевикларнинг, буржуа-демократик революция бўлган социалистик революция ўртасида мамлакатда капиталистик йўлдан ривожланадиган узоққа чўзилувчи тарихий давр бўлиши шарт, деган эскирган тасаввурлари ҳам улоқтириб ташланди.

В. И. Ленин деҳқонлар ҳаракатига революцион процессниг қудратли оқимларидан бири сифатида жуда катта аҳамият бериб аграр масалага катта эътибор берди, бутун ерни национализация қилишдан иборат большевистик программани илмий жиҳатдан асослади. Ленинча аграр программа буржуа-демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисидаги назария билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу программа пролетариатнинг иттифоқчиси сифатида революциянинг ҳар икки босқичида деҳқонларни революцияга сафарбар қилишда катта роль ўйнади.

Биринчи рус революцияси мағлубиятга учрагандан кейин бошланган даҳшатли реакция йилларида, сўнгра янги революцион кўтарилиш ва жаҳон империалистик уруши йилларида партия идеологияси, программаси, сиёсати ва тактикасига оид, унинг ташкилий негизларига оид озми-кўпми муҳим бўлган бирон масала ҳам Ленининг назарий фикридан четда қолмади. бу фикр тез ўзгариб бораётган вазиятдан бир қадам ҳам орқада қолмасдан, балки воқеалардан анча илгари кетиб, уларнинг келгусида қандай бориши ва оқибати нима бўлишини олдиндан кўрсатиб берди. Ана шу йилларда В. И. Ленин марксизмнинг назарий асосларини буржуа идеологларининг ва ревизионистларнинг хуружларидан ҳимоя қилади. табиийт фанларнинг энг сўнгги ютуқларига суяниб, марксистик философик материализмни янада ривожлантирди. У, большевикларнинг миллий масалаги программасини назарий жиҳатдан чуқур асослаб беради ва шу билан пролетариат ўртасида нифоқ солувчи ва унинг куч-ғайратини бўшаштирувчи буржуа миллатчилигига шафқатсиз зарбалар берди. Империализм устидан ғалаба қозониш учун ишчилар синфига миллатчилик эмас, балки пролетар интернационализми керак— Ленининг миллий масала тўғрисидаги таълимотининг асосий хулосаси ана шу эди.

Реакция вақтинча тантана қилган турли «ҳамроҳлар» марксизмдан қайтган, П. Струве каби буржуа либераллар тўғридан-тўғри контрреволюция томонига қочиб ўтиб, чор ҳокимиятини мақтай бошлаган «халққа хизмат қилиш», «жамиятга яхшилик қилиш» деган тушунчалар устидан кула бошлаган, революцияни ва барча революцион нарсаларни ҳар қанақасига ҳақорат қилган йилларда партияни пролетариатнинг жанговар авангарди сифатида сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш вазифаси. партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш вазифаси айниқса кескин бўлиб турди.

В. И. Ленин партияни ёқлаб, меньшевик-ликвидаторларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Улар янги революцион кўтарилиш имкониятини инкор қилар, пролетариатнинг гегемонлик идеясини рад қилар, нолегал марксистик партияни тугатишни талаб қилар эдилар.

«Сўл» ликвидаторлар, астари ағдарилган ликвидаторлар, ишчи депутатлари Давлат думасидан чақириб олишни, партиянинг омма билан алоқани мустаҳкамлашига имкон берган легал ишнинг турли формаларидан воз кечишни талаб қилган отзовистлар деб аталувчи группа ҳам революция учун катта хавф эди. Отзовистлар революция тез кўтарилиб бораётган даврда Думани байкот қилишдан иборат тўғри тактикага таҳқидий қарамасдан, бу тактикани бутунлай бошқа шароитга, яъни қурашнинг барча формаларини — легал ва нолегал формаларини қўшиб олиб бориш партияни сақлаб қолишнинг ва революцион кучларни тўплашнинг зарурий шарти бўлиб қолган вақтда ҳам қўлланмоқчи бўлдилар. Большевиклар, — деб кўрсатган эди кейинчалик В. И. Ленин — отзовистларнинг «майда буржуа революционализми»га қарши қаттиқ кураш олиб бориб, курашнинг турли формаларини боғлаб олиб бориш тактикасини ҳимоя қилиб қолмаганларида эди, большевиклар пролетариат революцион партиясининг мустаҳкам ядросини тутиб қола олмаган ва уни 1908—1914 йилларда кучайтира олмаган бўлур эдилар. Отзовистлар Троцкийнинг бузғунчилик сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Лекин шунга қарамай бу сиёсат мағлубиятга учради. Ленин йўлининг тарафдорлари ўнг ликвидатор — меньшевикларни ҳам, сўл ликвидаторларни ҳам Россия ишчилар ҳаракатидан суриб чиқардилар. Онгли ишчиларнинг жуда кўпчилиги Ленин йўли тевирагига жипслашди.

Ленинчи «Правда» большевистик партияни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашда муҳим тарихий роль ўйнади. Большевизм вужудга келган даврда минглаб илғор ишчилар ленинчи «Искра» томонида турган бўлсалар, 1912—1914 йилларга келиб «Правда»ни ўн ва юз мингларча ишчилар ёқладилар, булар ўзларининг тийинлиқ тўплаган пуллари билан чоризм зулмини ҳам, социализмга хиёнат қилган майда буржуа хоинларинг, меньшевикларнинг конкуренциясини ҳам енгган эдилар»[1].

«Правда» ва унда босилган Ленин мақолалари биринчи жаҳон уруши арафасида Россиядаги онгли пролетариатнинг кўпчилигини ғоявий жиҳатдан синиқтиришнинг, уни интернационализм руҳида тарбиялашнинг буюк мактаби бўлди. Партиямизнинг бузилмас пролетар базаси—Октябрь ғалабасининг энг муҳим шарти ана шу тариқа вужудга келтирилди.

Жаҳон империалистик уруши вазиятида В. И. Ленин ўзининг бир қанча асарларини уруш ва тинчлик проблемаларига бағишлайди, ишчилар синфининг ва бу синф партиясининг адолатли ва адолатсиз урушларга муносабатини белгилаб беради. империализм давридаги урушларнинг синфий моҳиятини ва сабабларини очиб беради.

В. И. Ленин пролетар партиясининг империалистик урушдаги тактик йўлини ишлаб чиқди. Ўз ҳукуматини маглубиятга учратиш ва империалистик урушни граждан урушига айлантириш тўғрисида В. И. Ленин илгари сурган, фақат бизнинг партиямиздагина эмас, шу билан бирга жаҳондаги барча ишчи партияларига таалуқли бўлган шиорлар ичил пролетариат интернационализми руҳи билан суғорилган шиорлар бўлди.

II Интернационал партияларининг хоинлиги империалистик урушга қарши, халқлар ўртасида тинчлик учун кураш билан чамбарчас боғланган куч бўлган социализмнинг обрўйини халқлар назарида тушириб юбориш хавфини туғдирди. Рус большевиклари социал-шовинизмга қарши қаттиқ кураш олиб бориб социализм идеаларини қутқариб қолдилар. Бизнинг партиямиз шовинизм ва ренегатлик тўлқинларига бардош беришгина қолмай, шу билан бирга дадил туриб оқимга қарши борган ва шу тариқа социализм, пролетариат интернационализми ишини, II Интернационал партияларининг йўлбошчилари шармандаларча хиёнат қилган ишни қаттиқ туриб сақлаб қолган бирдан бир партия бўлди.

Ленининг империализм тўғрисидаги таълимоти марксизмни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. В. И. Ленин жуда кўп фактлар ва материалларни тўплаб, империализмнинг асосий белгиларини, унинг моҳияти чириб, ўлиб бораётган капитализм эканлигини, у социалистик революциянинг арафаси эканлигини «Империализм— капитализмнинг юқори босқичи» деган китобида текширди.

В. И. Ленин капитализм империализм даврида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ғоят нотекис, сакраб-сакраб ривожланишини исботлаб дастлаб битта, алоҳида олинган мамлакатда ёки бир неча мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкин ва у айни бир вақтда ҳамма мамлакатларда ғалаба қилиши мумкин эмас деган ғоят муҳим хулоса чиқарди. Бу хулоса социалистик революция назариясини ривожлантиришда жуда катта қадам бўлди. ишчилар ҳаракати ва унинг авангардига революцион ташаббускорликни ривожлантирмоқ учун равшан истиқбол, кенг майдон кўрсатиб берди.

Уруш йилларида, айниқса 1917 йилнинг феврали билан октябри ўртасидаги қизғин ойларда Ленининг доҳиёна ақл-заковати социалистик революция назариясини ривожлантириш устида тинимсиз ишлаб, бу назарияни янги идеялар ва қоидалар билан: революцион вазият тўғрисидаги, революцион жангларни битта мақсадга — империализмни ағдариб ташлашга қаратиш м а қ с а д и д а зулмнинг турли формаларига қарши чиқаётган барча синфлар ва социал группаларнинг революцион жанглариға пролетариат раҳбарлик қилиши зарурлиги тўғрисидаги, миллий озодлик ҳаракатлари социалистик революциянинг резерви эканлиги тўғрисидаги, Советлар пролетариат диктатурасининг давлат формаси эканлиги ҳақидаги, социалистик революцияни амалга оширишнинг турли формалари ҳақидаги, қўзғолон санъат эканлиги ҳақидаги ва бошқа янги идеялар ҳамда қоидалар билан бойитди. Давлат ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги коммунистик жамиятнинг икки фазаси тўғрисидаги марксизм таълимоти янада ривожлантирилди.

Пролетариат диктатураси учун курашнинг бутун босқичида партиянинг бош стратегия вазифаси чоризмни ва капитализмни ағдариб ташлашнинг ҳал қилувчи шарти сифатида **пролетариат гегемонлигини** таъминлашдан, меҳнаткашларнинг жуда кенг табақаларини, Россиянинг миллий чекка ўлкаларидаги мазлум халқларни пролетариат томонига жалб қилишдан иборат бўлди. В. И. Ленин, социал революция барча ва ҳар қандай эзилган ва нарози кишиларнинг оммавий курашининг портлашидан бошқача бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблади. Революциянинг онгли авангарди, илғор пролетариат бу объектив ҳақиқатни ифодалаб, оммани бирлаштириши ва унинг курашини ҳокимиятни қўлга олишга ва социализмнинг ғалабасига қаратиши мумкин. Бу вазифа буржуа ва майда буржуа партияларига қарши, аввало кадетларга қарши, меньшевиклар ва эсэрларга қарши кескин ва муросасиз кураш ҳал қилина борди.

Капиталистик ёлланма қуллик тузумини сақлаб қолиш тарафдори бўлган меньшевиклар — ликвидаторларнинг революцияга қарши хоинлик қилишдан иборат бўлган позициясини фош қилиб ташлаб В. И. Ленин шуни кўрсатиб ўтдики, пролетариат «бутун халқнинг тўла демократик ўзгариш йўлидаги курашида, **барча** меҳнаткашларнинг ва эксплуатация қилинувчиларнинг золимларга ва эксплуататорларга қарши олиб бораётган курашида раҳбар, гегемон бўлмоғи лозим. Пролетариат фақат бу гегемонлик идеясини тушуниб олганлиги ва турмушга ошираётганлиги учун ҳам революцион синфдир, Бу вазифани тушуниб олган пролетарий эса қулликка қарши қўзғолон кўтарган қулдир. Ўз синфининг гегемонлик идеясини тушунмайдиган, ёқи бу идеядан воз кечаётган пролетарий ўзининг қуллик аҳволини тушунмайдиган қулдир: жуда нари борганда, бундай пролетарий қулликни ағдариб ташлаш учун **эмас,** балки ўзининг қуллик аҳволини яхшилаш учун курашувчи қулдир»[1]

Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган, ҳамиша омма билан боғланган партия жуда мураккаб тарихий вазифаларни дадил ва ишонч билан ҳал қила борди, ишчилар ҳаракатига тўғри йўлни кўрсатиб бериб турди. Партия вазиятдаги, синфий кучлар нисбатидаги ўзгаришларни тез пайқаб олиб, шунга мувофиқ, ўзининг тактика йўлини ишлаб чиқди, ўз ишини ташкил этиш формаларига ва методларига ижодий ёндошди. революцияни ривожлантиришнинг тинч формаларидан нотинч формаларига ўз вақтида ўтиб турди. У ижодий марксизм партияси бўлиб ўсди ва чиниқди. амалий, революцион тажриба билан бойиб борди.

В. И. Ленининг дунёга машҳур Апрель тезисларида ва бошқа асарларида революцияни тинч ривожлантириш тактикаси порлоқ равишда ривожлантирилди. Партиямиз бу тактикани амалда синаб кўрди ва революцион кучларни тўплашда бу тактика унга ёрдам берди. В. И. Ленин пролетариатнинг ҳокимиятни тинч йўл билан қўлга олиши мумкинлигига юксак баҳо берди, бунинг учун ҳатто меньшевиклар ва эсэрлар билан вақтинча компромиссга бориш мумкин деб ҳисоблади. «Бутун дунё революцияси тарафдори бўлган, революцион методлар тарафдори бўлган большевиклар, менинг фикримча, революциянинг ана шу тинч йўл билан ривожлантирилиши учунгина—тарихда жуда кам учрайдиган ва жуда қимматли имконият учун, мутлақо кам учрайдиган имконият учун, ана шу имконият учунгина бундай компромисс таклиф қилишлари мумкин ва лозимдир»[1], деб ёзган эди В. И. Ленин. Лекин буржуазия меньшевиклар, эсэрлар билан иттифоқ бўлиб, ишчилар синфига қарши зўрлик ишлатди ва уни ҳам бунга жавобан худди шундай қилишга мажбур этди, шу тариқа революциянинг тинч ривожланиш йўлини узиб қўйди. Партия қуролли қўзғолон тайёрлашни кун тартибига қўйди.

Марксизм-ленинизм таълимоти ва партиямизнинг тарихий тажрибаси ҳозирги замон бузғунчиларининг халқаро коммунистик ҳаракатга зўрлаб қабул қилдиришга уринаётган бир ёқлама тактикаси бутунлай яроқсиз эканлигини ва бу тактиканинг моҳияти ленинизмга қарши эканлигини аниқса яқол кўрсатиб турибди. Улар парламент кураши, касаба союзлари ичида иш олиб бориш ва шулар каби синфий кураш формаларини янги тарихий шароитда янги мазмун олаётган формаларни аслини олганда инкор қилиб фақат қуролли қўзғолон тактикасинигина эътироф қилмоқдалар. Уларнинг реал вазиятни омманинг революцион ҳаракатга тайёрлигини ҳисобга олмай, дарҳол ва ҳамма жойда революция қилишга қаратилган авантюристик йўли марксизм-ленинизм таълимотига ҳеч бир алоқаси бўлмаган йўлдир.

Революциядаги икки йўл тўғрисидаги — большевистик йўл билан меньшевистик йўл тўғрисидаги тортишув Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказиш даврида алоҳида аҳамият касб этди. Меньшевиклар, ишлаб чиқарувчи кучлар етарли ривожланмаганлиги ва пролетариатнинг сони камлиги сабабли Россия социалистик революция учун етилганлиги йўқ, революция биринчи навбатда Ғарбда, кўпроқ ривожланган капиталистик мамлакатларда қилиниши лозим, деб даъво қилдилар. Большевистик партия сафидаги баъзи оппортунистлар меньшевикларга ҳамоҳанг бўлдилар.

В. И. Ленин меньшевикларнинг ва уларнинг II Интернационалдаги маслакдошларининг бу важларини бутунлай пучга чиқарди. В. И. Ленин уларнинг сиёсий қўрқоқликларини, буржуазиядан ажралиб қолишдан чўчиётганликларини, уларнинг чинакам марксизм деб тасвирлаётган жонсиз догматизмини, бу догматизм ҳақиқатда антиреволюцион характерга эга эканлигини кўрсатиб бериб, шармандаларини чиқарди. Кейинроқ В. И. Ленин «Революциямиз тўғрисида» деган ўзининг машҳур асарида меньшевиклар «марксизмни ҳаддан ташқари педантларча тушунадилар, улар марксизмнинг энг муҳим томонини: худди унинг революцион диалектикасини бутунлай тушунмаганлар»[2] деб ёзди.

Пролетариат Россияда Ленин партиясининг раҳбарлигида сиёсий ҳокимиятни қўлга олганлиги инсониятнинг бутун жаҳон тарихида янги давр очди. капиталистик системанинг емирилиши ва янги дунё—социализм ва коммунизм дунёсининг қарор топишини бошлаб берди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россия ишчилари синфининг — подшо судида ишчи Петр Алексеевич Алексеев сўзлаган машҳур нутқдан тортиб, Ленининг «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»дан тортиб, «Аврора»дан тўп отилишига ва қишки сарой штурм қилинишига қадар ўн йиллар давомида олиб борган фидокорона, қаҳрамонона кураши билан тайёрланди. Ишчилар синфининг, халқ оммасининг революцион традициялари жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида шу қадар кучли ва шу қадар жонли бўлмаган эди.

Революциянинг В. И. Ленин таърифлаб берган **асосий қонуни** Октябрь революциясида ўзининг энг ёрқин ифодасини топди, бу асосий қонун шундан иборатки, жамиятнинг «қуйи табақалари» эски тартиблари истамай, мана шу эски тартиблари ўзгартирмоқ учун жангга боришга тайёр бўлиб қолган ва жамиятнинг «юқори табақалари» эскича тарзда идора қилолмайдиган бўлиб қолган, барча синфларга—эксплуатация қилинувчиларга ва эксплуататорларга дахлдор бўлган умуммиллий кризис мавжуд бўлиб турган пайтда революция рўй берди.

Октябрь революцияси Россия меҳнаткашларининг адолатли ижтимоий тузумга интилаётганлигини ифодалади. У объектив тарихий шароитларга: жаҳонда энг революцион бўлган, йирик ва энг йирик корхоналарда тўпланган, шу тариқа қуввати таққослаб бўлмаслик даражада кўпайган ишчилар синфига таянди; ишчилар синфининг революцион деҳқонлар билан иттифоқига таянди, бу эса Россия ишчилар синфини халқ кўпчилигининг иродасини ифодаловчи синф қилиб қўйди; Октябрь революцияси халқнинг империалистик урушга ва бу урушга сабабчи бўлганларга нисбатан нафратига, халқ оммасининг сулҳга интилишига таянди. Ғоявий жиҳатдан чиниққан, уюшган ва интизомли бўлган, ўз сафларида 400 мингга яқин аъзони бирлаштирган большевиклар партияси Октябрь революцияси ғалабасининг раҳбар кучи бўлди.

Жаҳон империализми фронтини нима сабабдан худди Россиянинг ўзи биринчи бўлиб ёриб чиққанлиги ва инсониятга социализм йўлини очиб берганлиги КПСС Программасида марксча изоҳлаб берилган:

«Россия империализм системасининг энг заиф звеноси ва унинг барча зиддиятлари бир тугунга тўпланган жой эди. Шу билан бирга, Россияда социализмнинг ғалабаси учун зарур шароитлар ҳам вужудга келган эди. Россия ишчилар синфи дунёда энг революционлиги, уюшқоқлиги билан фарқ қиларди ва синфий курашнинг катта тажрибасига эга эди. Ишчилар синфига илғор революцион назария билан қуролланган ва синфий жангларда чиниққан марксча-ленинча партия бошчилик қилар эди.

Большевиклар партияси ишчилар синфининг социализм учун курашини, сулҳ учун умумхалқ ҳаракатини, деҳқонларнинг ер учун курашини, Россиядаги эзилган халқларнинг миллий озодлик курашини бир революцион оқим қилиб бирлаштирди ва бу кучларни капитализмни ағдариб ташлашга йўллади.»[1]

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бизнинг мамлакатимизни миллий ҳалокатдан ва жуда катта империалистик давлатларнинг талон-торож қилишидан қутқариб қолди.

Эксплуататор синфлар ҳукмронлиги ағдариб ташланиб, пролетариат диктатураси ўрнатилгач, партиямизнинг **биринчи Программаси бажарилди.**

Октябрь революциясининг ғалабаси инсоният тарихида туб бурилиш бўлди. Эски дунё қулади; уруш ва унинг оқибатлари нагинасида вужудга келган азоб-уқубатларда янги дунё туғилди. барча реакцион кучлар, бутун ички ва ташқи контрреволюция бу янги дунёга қарши ёпирилиб кураш бошлади.

---

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди. стенографик ҳисобот. III том, 253-бет. Ўздавнашр, Тошкент.

(Давоми бор).

---

1. **В. И. Ленин.** Асарлар 33 том, 361-бет.

1. **В. И. Ленин.** Асарлар, 17 том 235-бет.

1). **В. И. Ленин.** Асарлар, том 25. 235-бет.

2). **В. И. Ленин.** Асарлар 33 том. 492-бет.

---

1. **В. И. Ленин.** Асарлар, 5 том: 312 бет.

2. **К. Маркс ва Ф. Энгельс,** Танланган асарлар, 1 том, 386 бет.

3. **В. И. Ленин,** Асарлар, 21 том, 16-17-бетлар.

1. **В. И. Ленин.** Асарлар, 3-том, 14-бет.

2. **Ленин.** Асарлар, 28-том 315-бет.

Н. С. ХРУШЧЕВ КИПР РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 19 сентябрда Кипр Республикаси ташқи ишлар министри, савдо ва саноат министри вазифасини ижро этувчи А. Араузос (делегация бошлиғи), Кипр ташқи ишлар министрлигининг бош директори К. Ашиотис ҳамда Кипр Республикасининг СССР даги фавқулодда ва мухтор элчиси Л. Георгнаделардан иборат составдаги Кипр Республикаси ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан кипрлик меҳмонлар ўртасида ошкора ва дўстона суҳбат бўлди. Суҳбат вақтида Совет—Кипр муносабатларини янада ривожлантириш. Ўрта денгиз шарқидаги аҳвол масалаларни ва ҳар иккала томонни қизиқтираётган бошқа проблемалар қараб чиқилди.

Кипр делегациясининг бошлиғи А. Араузос Н. С. Хрушчевга Кипр Республикаси президенти Макариоснинг шахсий мактубини топширди. Бу мактубда Кипр Республикасига ёрдам кўрсатганлиги ва уни қўллаб-қувватлаганлиги учун Совет ҳукуматига ташаккур изҳор қилинади.

Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Совет ҳукумати шаънига айтилган самимий сўзлар учун миннатдорчилик билдирди ва Кипр Республикаси президенти Макариосга ҳамда бутун Кипр халқига ўз ватанининг мустақиллиги, суверенитети ва яхлитлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда муваффақиятлар тилаганлигини маълум этишни илтимос қилди. Н. С. Хрушчев шуни таъкидлаб айтдики, тарихий тажриба кўрсатганидек, турли миллатларга мансуб халқлар бир давлатда аҳил бир ойланинг аъзолари сифатида тинч ва тотув яшай оладилар.

Н. С. Хрушчев айтдики, Кипрдаги грекларга ҳам, туркларга ҳам ўз ички проблемаларини ўзларининг умумий ватани — суверен ва мустақил Кипр Республикаси манфаатларини кўзлаб, ажнабийларнинг ҳар қандай аралашувисиз тинч йўл билан ўзлари ҳал этишлари учун имконият яратиб берилиши лозим. Совет халқи НАТОнинг Кипрни суверен давлат сифатида йўқ қилиб юборишга, НАТОнинг ҳарбий базаларини оролга жойлаштиришга ва аслида Кипрни бўлиб юборишга қаратилган планларига қарши Кипр халқининг, Кипр ҳукумати ва президенти Макариоснинг олиб бораётган курашини қатъиян қўллаб-қувватлайди.

Кипр делегацияси Кипрга ёрдам кўрсатилишига таалуқли баъзи конкрет масалаларни баён қилди.

Н. С. Хрушчев айтдики, Кипр томонининг илтимослари ва истаклари Кипр халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашида унга бегараз ёрдам беришни кўзда тутиб қараб чиқилади. Ёрдам бериш юзасидан амалий тадбирлар ҳақидаги суҳбатлар Кипр делегацияси билан тегишли совет министрликлари ўртасида давом эттирилади.

Суҳбатда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, ташқи савдо министрининг ўринбосари М. Р. Куз

РЕНТАБЕЛЛИК УЧУН

Комбинатимиз 1964 йилгача ҳам давлатдан дотация олиб ишлар эди. 1963 йилда бир сўмлик товар маҳсулот ҳисобига 3 тийиндан дотация олинди, комбинатда ишлаётган ҳар бир ишчи ҳисобига 317 сўмдан зиён кўрилди. 1963 йилда комбинат молия-хўжалик фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ҳар бир сарфланган бир сўм таркибидаги 32 тийин иш ҳақи тўлаш учун, 25 тийин асосий воситаларнинг амортизацияси учун, 24 тийин эса материаллар учун сарфланган.

Ишчи ва инженер-техник ходимларимиз комбинат экономикасини юксалтиришга қаттиқ бел боғладилар. Натижада 1964 йилдан бошлаб комбинатимиз фойда кўриб, рентабель ишлай бошлади. Аммо қўлга киритилган бу ютуқларни янада кўпайтиришга аҳд қилдик. Ҳақиқатан ҳам ҳали корхонамизда маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг жуда катта имкониятлари бор. Комбинатимиз цехларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришни янада жадаллик билан давом эттириш, эскириб қолган ускуналарни янги, унумлироқ ишлайдиган ускуналар билан алмаштириш керак. Карьерларда қудуқ қазиш учун канат-зарба усули ўрнига шарошкали усулни қўллаш тадбирлари белгиланмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш техник жиҳатдан нормалашни мукаммаллаштиришга ва иш ҳақи тўлашни тобора такомиллаштириб боришга ҳам боғлиқдир. Кейинги беш йил ичида комбинатда ишлаётган ҳар бир киши бошига ҳисобланганда меҳнат унумдорлиги икки марта ўсди. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан меҳнат унумдорлигининг 6,6 процент ўсишини мўлжаллаганмиз.

Энг янги замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган комбинат коллективининг вазифаси шундаки, ана шу ускуна ва техникадан фойдаланишни тобора яхшилаш, асосий фондларнинг ҳар бир сўми ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш лозим. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, агар маъданлардан металл ажратиб олишни бир процент кўпайтирсак, маҳсулот таннархи йилига 500 минг сўм арзонлашган бўлур эди.

Қўрғошин-рух фабрикасида асосий ишлаб чиқариш билан бир қаторда пирит концентратлари тайёрлашнинг йўлга қўйилиши маҳсулот таннархини 72 минг сўм арзонлаштирди. Шунингдек, сульфат кислотаси ишлаб чиқаришда ҳосил бўлаётган иссиқлиқдан фойдаланиш йилига 100 минг сўм фойда бермоқда.

Мис заводида яқин орада утилизатор қозонларни тўла қувват билан ишга тушириш лозим. Ана шу қозонларнинг ишга туширилиши натижасида йил охиригача 200 минг сўм пулни иқтисод қилиб қолиш мумкин. Заводнинг ҳавога беҳудага учиб кетаётган газларидан фойдаланиш асосида янги сульфат кислота цехи қуриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Янги цехнинг ишга туширилиши туфайли сульфат кислота тайёрлаш анча кўпайиб, йилига 10 миллион сўм тежалиши мумкин бўлур эди.

Ускуна ва машиналар қувватидан тўлиқ фойдаланиш, уларнинг бекор туриб қолишига чек қўйиш лозим. Айниқса, Қўрғошинкон ва Қалмоққир конларида экскаваторлардан унумли фойдаланиш учун зарур тадбирларни кўриш лозим.

Москва саноат корхоналарининг ташаббусидан илҳомланган ва шу ташаббусга бажонидил қўшилган Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари меҳнат унумдорлигини янада кўтариш, ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш ҳамда материалларни тежаб-тергаб сарфлаш бўйича конкрет тадбирлар белгиламоқдалар.

С. СТОЛЯРОВ,
комбинат план бўлимининг бошлиғи.

ҲАЁТ ВА ИЖОД

(Валентин ОВЕЧКИнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан)

Коммунистик партия бадиий ижод ҳамиша халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқада бўлмоғи керак деб таълим беради. Ана шу таълимотни тўғри тушуниб, ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлишнинг ижобий намунасини кўрсатаётган санъаткорлардан бири — таниқли рус совет ёзувчиси Валентин Владимирович Овечкиндир.

Одатда ҳар бир ёзувчининг бир севимли темаси бўлади. Санъаткор ўзига маъқул ва яқин бўлган бирор темани чуқур ўрганади, унинг теша тегмаган томонларини очади. Валентин Овечкин ижодига диққат билан назар ташласак, унинг севимли темаси — совет колхоз қишлоғининг ҳаёти эканлиги маълум бўлади. Чиндан ҳам, унинг 1929 йил 23 апрелда «Беднота» газетасида «Валентин Буровой» тахаллуси билан эълон қилинган «Савельев» сарлавҳали қишлоқдаги синфий курашдан ҳикоя қилувчи биринчи асари ҳам, 1936 йилда Ростов нашриётида босиб чиқарилган «Колхоз ҳикоялари» тўплами ҳам, ёзувчининг номини оламга машҳур қилган, 1952 — 1956 йилларда ёзилган «Районнинг оддий кунлари» сарлавҳали очерклар цикли ҳам юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Валентин Овечкин бу темани ижод марказига қўйганининг бир қанча сабаблари бор. Улардан бири ёзувчи шу ҳаёт ичида яшагани, уни жуда яхши билишидир. Зотан, ёзувчи биографиясига назар ташласангиз, унинг умри қишлоқда ўтгани маълум бўлади. Биринчи ҳикояси босилиб чиққан пайтда 24 ёшли автор Таганрог районидаги «Федоров» коммунасининг раиси эди. Улуғ Ватан урушигача бўлган даврда у қироатхона уйининг мудири, қишлоқ комсомол ячейкасининг секретари, қишлоқ партия комитетининг раҳбари, «Райколхозсоюз»нинг раис ўринбосари, райкомнинг ташкилот бўлими мудири, Шимолий Кавказда чиқадиган «Колхозная правда» газетасининг мухбири каби вазифаларда ишлаб, колхоз ҳаёти ва унинг муҳим проблемаларини чуқур ва атрофлича ўрганган.

Улуғ Ватан урушидан сўнг эса Валентин Овечкин яна бир неча йил Шимолий Кавказда, кейинроқ эса ўн беш йил Курск областида яшаб, ижодий фаолиятини давом эттирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида у совет армиясида хизмат қилди ва 1944 йил ёзида «Фронт саломи билан» повестини яратди. Бу повестда тасвирланган воқеалар фронтда содир бўлса ҳам, лекин мазкур асарида ҳам автор колхоз ҳаёти темасини ёритади, фронтдаги қаҳрамонликлар фронт орқасидаги мардонавор меҳнат билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайди. «Фронт саломи билан» повести совет адабиётидаги йирик воқеа эканлигини Петр Павленко, Александр Фадеев каби устоз ёзувчилар ўша вақтдаёқ кўрсатиб ўтган эдилар.

Ана шундай катта ҳаёт ва ижод тажрибаси билан бойигач, Валентин Овечкин ўзининг машҳур очеркларини яратишга киришди.

Очерк — бадиий ижоднинг оператив ва жанговар жанри. Лекин совет адабиёти тарихида шундай даврлар ҳам бўлдики, бу муҳим ижод соҳасига етарли эътибор берилмади, айрим ёзувчи ва адабиётшунослар эса уни камситиб ҳам юрдилар. Тўғри, шаҳсга сиғиниш авж олган йилларда очерклардан ҳаётий воқеалар жой олмай қўйди. Чунки, айрим назариячилар «қишлоқда конфликт фақат яхши билан жуда яхши орасидагина қолди», деб даъво қилиб турган эдилар. Шунинг учун ҳам очеркларда сунъийлик кучайган, очерк асосан бирон қаҳрамон ҳақидаги қуруқ мадҳиядан иборат бўлиб қолган эди.

Валентин Овечкининг ижодий дадиллиги шундан иборат бўлдики, у Коммунистик партиянинг ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаш тўғрисидаги таълимотига таяниб, урушдан сўнгги даврда колхоз ҳаётини бутун ички зиддиятлари билан тасвирлашни бошлаб берди. Бадиий ижод соҳасидаги кўзбўямачиликка чек қўйиш, ҳаётий проблемаларни кўтариб чиқиш ва уларни ижобий ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб бериш Валентин Овечкин очеркларининг лейтмотиви бўлиб, бу ҳол сўнгги шонли ўн йиллиқнинг дебочаси бўлмиш Коммунистик партия Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини кескин кўтаришга бағишланган Пленумларининг бадиий ижод соҳасига таъсири эди.

Валентин Овечкининг «Районнинг оддий кунлари» (1952), «Илғор ўлкада» (1953), «Ўша районда» ва «Уз кучи билан» (1954) «Машаққатли баҳор» (1956) деб сарлавҳаланган беш очерки бир циклни ташкил қилади ва «Районнинг оддий кунлари» номи билан китоб қилиб чиқарилган. Бу китобда колхоз қишлоғининг тараққиётига тўсиқ бўлиб турган бюрократизм, қозозбозлик, ташаббуссизлик, кўзбўямачилик, мажлисбозлик каби қатор хусусиятлар қолоқ раҳбар Борзов образида тўпланган. Автор Мартинов ва Долгушин каби ижобий образлар тимсолида бутун вужуди билан коммунист бўлган, ер ва донни муқаддас билган ажойиб совет кишиларини, қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришга астойдил бел боғлаган янги тип раҳбарларни тасвирлайди. Янгилик билан эскилик орасида пайдо бўлган конфликт авторнинг диққат марказида бўлиб, бу конфликт ривожи давомида салбий кучларнинг қабиҳлиги ва ижобий кучларнинг бой маънавий фазилатлари конкрет равишда очиб берилади.

Валентин Овечкин очерклари ниинг қиймати — уларнинг ҳаётийлигида, авторнинг тасвир объектига партиявий принципиаллик билан ёндошишида. Айни вақтда бу асарларнинг қиймати — уларнинг юксак бадиийлигида.

Валентин Овечкин очерклари бу жанрга қайтадан ҳаёт берди, уни яна ўқувчиларнинг диққат марказига қўйди. Бу муваффақиятларнинг сабаби эса санъаткорнинг ижодий новаторлиги билан ҳам изоҳланади. Мазкур очерклар ёзувчининг типиклаштириш ҳуқуқи ва принципларини яна бир бор тиклайди. Чунки, унгача очерк фақат документаль бўлиши ва аниқ адресга эга бўлиши мажбурий ҳол деб қаралмоқда эди. Лекин Валентин Овечкин бу йўлдан бормади, балки у ҳаётда бор ҳодисаларни умумлаштириб адрессиз, лекин гоят реал; фақат бир районга хосгина эмас, балки кўпчилик районларда турли формаларда учровчи ҳодисаларни ифодаловчи бадиий-ҳужжатли асар яратди. Бу ҳолни авторнинг ўзи ҳам тасдиқлайди, «Мен буни — аниқлик маъносида — катурадан ҳам, хабдан ҳам ёзганман. Кўп нарса, табийки, умумлаштирилган».

Валентин Овечкин очеркларининг ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, энг муҳим проблемаларни дадил кўтариб чиқиш ва бадиий новаторлик жиҳатидан совет адабиётида янги саҳифа очди. Ҳатто бу асарлар фақат ўқувчилар конференцияси ва МТС, колхозларнинг мажлисларидагина муҳокама қилинмай, балки бу очеркларнинг муҳокамаси уларни ғоялар нуқтаи назаридан ўз хўжалигига бир назар ташлаш ниятида бошланғич партия ташкилотлари ва ҳатто район партия комитетларининг пленумлари кун тартибига ҳам киритилди.

Совет адабиётида Валентин Овечкининг ижодий традицияларини А. Калинин, Г. Троепольский, В. Тендряков ва бошқа ўнлаб унинг издошлари давом эттирдилар. Сўнгги даврда ўзбек очеркнавислигида проблематик масалалар кўтарила бошлагани ҳам Валентин Овечкин ижодининг ўзбек совет адабиётига таъсири деб қаралмоғи лозим.

Валентин Овечкин асарлари жуда кўп чет эл тилларида ҳам нашр этилган ва совет адабиётининг жаҳон аҳамиятини тасдиқловчи факторга айланган. Бу асарлар чет эллардаги адабиёт мухлислари ва мутахассисларининг ҳам юксак баҳосига сазовор бўлди. Чунончи, машҳур немис адибаси Марианна Ланге бундай дейди: «Овечкин партия ҳаётини бадиий тасвир предмети қилиб олиши унинг китобининг аҳамиятини ниҳоят оширади. Кўплар бу китобнинг бадиий формасидаги янгиликни таъкидлайдилар. Мен эса шу вақтгача ёзувчиларимиздан ҳеч бири Овечкиндек, партия ҳаётини эстетик жиҳатдан ёритмаганлигини таъкидлаб ўтишни истар эдим».

«Машаққатли баҳор» биз учун, Германия Демократик Республикаси учун бадиий очерк жанри нақадар зарур эканлиги ҳақида фикр юритади», — деб ёзган эди «Дер Библиотекар» журнали.

... Мана сал кам икки йил бўлдики, Валентин Овечкин бизнинг ҳамшаҳаримиз, у Тошкентда яшамоқда. У республикамиз колхозлари ҳаётини ўзига хос ижчиллик билан чуқур ўрганмоқда. Умид қиламизки, унинг ижодидан маҳаллий тема йирик ўрин олади.

Ҳаёт ва ижод проблемасини ижобий ҳал қилишда ажойиб намуна кўрсатган ва кўрсатаётган улкан совет ёзувчиси Валентин Овечкинни унинг кўп минглаб мухлислари қаторида ўзбек китобхонлари ҳам олтмиш ёшга тўлиши ва орден билан мукофотланиши муносабати билан қизғин табриклайдилар ва унинг ижодига янги муваффақиятлар тилайдилар.

Лазиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАР

Жўра Тўрахонов бошлиқ бригада аъзолари 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил олишга ваъда берган эдилар. Сўзларининг устидан чиқиш учун йил бўйи самарали меҳнат қилишди. Қилинган меҳнат зое кетмади. Барча майдонларда мўл ҳосил тўпланди. Мана энди улар етиштирилган ҳосилни чамалаб, гектаридан 27 центнердан пахта топшириш ҳақида янги мажбурият олдилар.

Бригада ҳар куни давлатга йиллик планнинг 2,5-3 процента миқдорида аъло сортли «оқ олтин» топширмоқда. Илғор теримчилар Муҳаббат Зокирова, Муҳаммад Умаралиев, Зокир Ҳолиқов, Жўра Орипов ҳар куни 150-170 килограммдан пахта термоқдалар.

Биргина Тўрахонов бошлиқ бригада эмас, Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг қайси бригадасига борманг йиғим-терим ғуғ-ғуғ қилиб олиб борилаётганини кўрасиз. Теримда 1500 га яқин киши қатнашяпти. 1000 теримчи кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, мавсумда 5-10 тоннадан пахта теришга аҳд қилди. Барча теримчилар кунлик нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар.

Колхозда ҳосилнинг 60 процента машинада териб олинади. Машина теримига ажратилган майдонлар вақтида дефолиация қилинди. Сифатли ремонт қилинган 26 та «ХВС-1,2» терим машинаси команда кутиб турибди.

К. ШОДИҚУЛОВ.

Поездга тушиб манзил сари ошиқканингизда машинистнинг сизга қанчалик ғамхўр бўлишини биласизми? Тошкент теплово́з депосининг машинисти В. Журавлев ва унинг ёрдамчиси И. Бекбулатов ўртоқлар локомотив кабинасига чиққанларидан бошлаб то составни белгиланган манзилга етказиб боргунча ҳамиша зийрак бўладилар. Улар пассажир поездларининг белгиланган график бўйича ҳаракатланиши ва йўловчиларнинг тинч-осойишта сафар қилишлари учун барча имкониятларни ишга соладилар. Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 40 йиллиги шарафига вахтада туриб ишлаётган бу сергайрат машинистлар поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан бирга қўллаб ёнилғи иқтисод қилмоқдалар. Суратда: илғор машинист В. Журавлев ва унинг эпчил ёрдамчиси И. Бекбулатов.

И. Глауберзон фотоси.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«Ҳақиқати Узбекистон» газета редакцияси бир группа ходимларини, ишчи ва қишлоқ мухбирларини, шунингдек Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти ходимларини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида

Матбуотда актив ва самарали иштирок этганликлари, ҳамда «Ҳақиқати Узбекистон» газетаси биринчи сони чиққан кунинг 40 йиллиги муносабати билан қуйидагилар Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансин:

1. **Азимова Мамлакат** — старший машинистка.
2. **Олимбоев Тоҳир** — адабий ходим.
3. **Останақулов Норқул** — адабий ходим.
4. **Бобохонов Илья Мордухаевич** — подчитчик.
5. **Зубайдуллаев Неъмат** — газета чиқарувчи.
6. **Исмоилов Султонали** — Фарғона водийси бўйича мухбир.
7. **Исҳоқбоев Аввер Гаврилович** — қишлоқ хўжалик бўлими мудири.
8. **Изомов Аҳмад** — рассом-ретушор.
9. **Мухторов Муҳаммаджон** — адабий секретарь.
10. **Нишонов Аюбжон** — «Сўх» совхозидаги Калинин номли мактабнинг директори, штатсиз мухбир.
11. **Солиев Саъдулла** — партия турмуши бўлимининг мудири.
12. **Собиров Шариф** — Бухоро область партия комитети ва область ижроия комитети партия-давлат контроли комитетининг инспектори, штатсиз мухбир.
13. **Норов Раҳмат** — масъул секретарь.
14. **Умрзоқов Саъмир** — линотипчи.
15. **Умаров Мухсин** — редактор ўринбосари.
16. **Файзуллаев Баҳодир** — адабиёт ва санъат бўлимининг мудири.
17. **Ҳамидов Ҳожиқурбон** — Самарқанд Давлат университетининг аспиранти, «Ҳақиқати Узбекистон» газета редакциясининг Самарқанд шаҳридаги жамоатчилик асосида ишловчи қабулхонасининг мудири.
18. **Ҳамралиева Назира** — линотипчи.
19. **Шамсиев Қамар** — хатлар бўлимининг мудири.
20. **Юнусов Юсуф** — Самарқанд область мухбири.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри,
19 сентябрь 1964 йил.

БАҲОДИРЛАР

ПАХТАКОРЛАРГА НАМУНАЛИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАЙЛИК!

Чет эллик бир меҳмон жавоҳирлар водийси Фарғонада бўлганида, «Агар чиндан ҳам жаннат бор бўлса, Фарғона шу жаннатнинг ўзи» деб айтган экан. Лекин мана шу фусункор ҳуснни унга табиатнинг ўзи инъом этган, десак адолатдан бўлмас. Водийнинг тилларда достон бўлишига азалдан меҳнаткаш, тош устида гул ундириш санъатини пухта эгаллаган ажойиб кишиларимиз сабабчи. Келинг, яхшиси, Марказий Фарғонани забт этаётган чўл баҳодирлари маконига биз билан ташриф буюринг.

Маргилондан Қоратепа орқали ўтган кафтдек асфальт йўл тўғри Карл Маркс номли колхозга олиб боради. Йўл-йўлакай кўз илғамас адирларда шиғил кўсак тақиб олган кенг пахтазорларга нигоҳингиз тушаркан, чеҳрангиз ёришиб, қалбингизни аллақандай ширин ҳис-туйғулар чулғаб олади. Азамат меҳнаткашларнинг чинакам мўъжизакор меҳнати бутун салобати, гўзаллиги билан мафтун этади сизни. Мана бу рақамларнинг магзини биргалашиб чақиб кўрайлик. Марказий Фарғонанинг асрлар бўйи ташналикдан лаб ялаб ётган ерлари қандайдир 6-7 йил ичида ям-яшил либосга бурканиб, мўл-кўлчилик воҳасига айланиб қолди. Ҳозирги кунда бу азамат чўлнинг 72 минг гектарида деҳқончилик қилинмоқда. Унинг 61 минг гектарида сара-сара «оқ олтин» ундирилмоқда. Бу ерларни очиш осон бўлмади, албатта. Аммо ернинг бағри шунчалар танти эканки, унга қилинган сарф-харажатлар ҳозироқ қопланди. Лекин энг муҳими шундаки, Марказий Фарғонада ҳам худди бошқа жойларда бўлгани каби янги кишилар, коммунистик жамиятнинг ҳақиқий эъзолари вояга етмоқда.

Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун юқорида зикр этилган хўжалик томон йўлимизни давом эттирайлик. Ҳув, ана, бир-бири билан бўй талашиб ўсаётган норғул теракларга қаранг. Гўё океандаги митти оролга ўхшайди. Ўзининг гулдай очилиб турган боғ-бўстонини қолдириб, Марказий Фарғонани жаннат қилишга бел боғлаган чўл қуварларнинг дастлабки қароргоҳи эди бу жой. Улар шу ердан туриб, чўл бағрини тилишга, коммунистик типдаги шаҳарлар қуришга отланган эдилар. Бу ўша жангу жадалларга тўла кунлар ҳикоясини айтгани имлаб чақиради сизни.

Яна олға томон йўл оламиз. Ҳаммаси пишиқ ғиштдан ишланган типовой уйлар, мактаб, болалар боғча ва яслиси, магазин, икки томони мевали дарахтлар билан безанган кўчалар, водопровод... Ишчилар шаҳарчасининг ўзига келиб қолибмиз чоғи. Таваккал қилиб ховлиларнинг бирига киришга жазм этамиз. Ҳайратимиз яна ошади. Негаки, уйда ҳеч ким йўқ. Кундуз куни-да, ҳамма ишда бўлса керак. Нега бўлмаса қулфлар кўринмайди?

— Фақат Темур Розиқовлар оиласи эмас, балки 375 хонадоннинг ҳаммаси ҳам эшигига қулф осмайди, — дейди колхоз раиси Холмат Марозиқов. Раис шу мунасабат билан бир воқеани айтиб берди. Посёлка янги қурилаётган кезларда магазинга икки яшик қулф келтирилибди. Қани энди колхозчидар сотиб олса, деб магазинчининг кўзи тўрт бўлармиш.

Шунчаки қараганда кулгили бўлиб туюлган бу воқеа заминида катта маъно ётади. 1959 йили эллик етти хонадонга ўошган 159 колхозчи янги ерда турмушни коммунистик асосларда қуришга қатъий аҳд қилган эди. Бу аҳд хўжаликка янги кишилар келгандан кейин ҳам ўзгармай қолаверди. Ҳозир колхозда бир ярим мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Улар бир-бирлари билан шу қадар дўстлашиб, иноқлашиб кетишганки, ўзаро муносабатларини кўриб, бир оиланинг фарзандлари, дейсиз. Ҳолбуки, бу ерда 14 миллат вакиллари яшайди. Уларни тузуммизнинг энг катта ғалабаларидан бири бўлган дўстлик жипслаштирган.

Колхозчилар тўрт хонали типовой уйларда истиқомат қилаётганини боя айтиб ўтган эдик. Ахир, хўжалик янги бўлса, бунча маблағни қаердан олишди, деган савол туғилиши табиий.

— Давлат чўл қуварлардан ҳеч нимани аямаяпти, — дейди колхоз бош бухгалтери Собир Баширов, — мана шу уйларнинг ҳар бири 3,5 минг сўм туради. Жами 714 минг сўм ссуда олдик. Бунинг 244 минг сўмини давлат кечиб юборди. Қолганини уч йилдан кейин 15 йил мобайнида озоздан тўлаймиз.

Бу ҳол колхозчиларнинг даромадига таъсир қилмасмикин? Асло. Хўжалик аъзоларининг ўтган 15 кунликдаги иш ҳақи бундан далолат бериб турибди. Механизатор Абдуғаффор Қўзиев 106 сўму 64 тийин, оддий колхозчилардан Сулаймон Аҳмадалиев, Ҳабибахон Султонова, Юсуфжон Йўлчиевлар 65-70 сўмдан ҳақ олишди. Бунинг устига, водопровод ва электр, боғча ва яслилар, колхозчиларга бир маҳал иссиқ овқат бепул.

Ана шунақа шарт-шароит яратиб берилгач, кишилар тоғни ағдаришга ҳам қодир бўларкан. Колхоз аъзолари бу йил 966 гектар ерда пахта етиштиришади. Табиат уларнинг асабини неча бор синаб кўрди. Май, июнь ойларида, ҳатто ўтган ойнинг ўрталарида дўл тушди. Барибир, пахтакорларнинг иродасини буколмади. Ҳар гал инсон ғолиб чиқди.

Кишини завқлантирадиган нарса шундаки, хўжалик ҳали янги, бу йил билан бешинчи марта ҳосил етиштираётганига қарамай, водийда пахтачиликни комплекс механизациялаш байроқдори бўлиб қолди.

— Бундоқ ўйлаб қарасак, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Даврон Баҳромов, — машина теримига ўтмай туриб, пахтачиликни комплекс механизациялаштирдик, дейиш мумкин эмаслигига кўзимиз етди. Қуйидаги фактлар ҳам буни исботлаши мумкин. Бир тонна пахтани қўлда териш учун 65 сўму 26 тийин сарфланаркан. Шунча пахта машинада териб олинганда эса ёқилғи, амортизация ҳақини ҳам қўшиб ҳисоблаганда атиги 15 сўму 93 тийин тўланади. Бунинг фарқини ҳисоблаб кўраверинг. Ўтган тўрт йил давомида пахта теримида қатнашган ёрдамчиларга бир неча ўн минг сўм тўлабмиз. Ҳисоблаб қарасак шу кетган пулга 28 та «ХВС-1,2» машинаси сотиб олсак бўларкан. Ёнинги шу маблағ колхозчиларга бўлиб берилганида ҳар бир ишловчи 272 сўм қўшимча ҳақ олган бўларкан.

Хўжалик аъзолари мана шуларни ҳисоблаб чиқиб, янгидан 13 та пахта териш агрегати сотиб олишди. Ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олиб, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи кунида пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди, деб рапорт беришмоқчи.

Ҳозир 25 машинанинг ҳаммаси шай бўлиб турибди. Механик-ҳайдовчи кадрлар етарли. Ишқисталанг келиб қолгудек бўлса, колхоз шоферлари, раисниг ўзи машина штурвалини бошқаради.

Чигитни экишдан тортиб, гўза парваришигача, ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамда қабул пунктларига жўнатишгача бўлган ҳамма асосий ишларни машиналар елкасига юклаш туфайли маҳсулот таннархи пасайиб, колхозчилар оладиган иш ҳақининг миқдори кўпайяпти. Бунинг устига, Иттифоқ ҳукуматининг шу йил баҳорда қабул қилган қарори билан Марказий Фарғона хўжаликларида етиштириладиган пахтани харид қилиш нархи 20 процент оширилди. Шу қарорга кўра, биргина Карл Маркс номли колхоз аъзолари шу йилиёқ 220 минг сўм қўшимча даромад оладилар.

Хўжалик аъзолари бу оталарча ғамхўрликка жавобан кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Улар ҳар центнер пахта таннархини ўрта ҳисобда 18 сўмга туширишмоқчи.

Колхозда бўлганимизда катта таассурот қолдирган нарсалардан яна бири шу бўлдики, бу ерда изланиш, янгиликни жорий этиш устида қайғуриш ҳар бир колхозчининг онгига сингиб кетган. Шу сабабдан ҳам болалар боғчасининг мудири коммунист Эргашхон Қурбонованинг колхозчилар ўзлари ишлаб топган даромаддан қандай фойдаланаётганликларини синчиклаб ўрганиб чиқиш ҳақидаги таклифи ҳаммага манзур бўлди.

Ахир, коммунистик меҳнат колхози номини олиш учун қизғин кураш кетаётган экан, коммунистларга ишлашнинг ўзи кифоя қиладимиз?! Йўқ, дейишди колхозчилар. Юксак ном эгаси бўлиш учун юришда ҳам, ўзаро муомалада ва оилавий ҳаётда ҳам коммунистик муносабатларни ўрнатиш зарур.

Лекин олаётган даромадини тўғри сарф қилолмаётган, уйни безатиш учун жиҳозлар сотиб олишда адашаётган кишилар борки, гарчи бу майда-чуйда нарса бўлиб туюлсада, турмушда коммунистик ниҳолларнинг илдиз отишига тўсқинлик қилади. Чунончи, айрим колхозчилар замонавий уйларда истиқомат қилганлари ҳолда, бешик, сандиқ сингари ўтмиш жиҳозларини сотиб олишади. Ана шунақа «икир-чикир»ларга чек қўйиш мақсадида «Оилада уй тутиш ва гигиена» университети очилди.

Шуниси муҳимки, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу рўзғор буюмларининг фақат виставкада эмас, балки ҳар бир хонадонда бўлиши учун ҳаракат қилмоқда. Уларни сотиб олишга ҳозирча қурби етмаган колхозчиларга узоқ муддатли қарз беришмоқда. Ҳозирча ана шундай уйларда 200 оила истиқомат қилмоқда. Йил охиригача яна 60 хонадон ховли тўйи ўтказади.

Бу уйларда яшовчи колхозчиларга коммунистик турмуш кечиришни ўргатишда университет чиндан ҳам катта роль ўйнамоқда. Колхозчилар кечқурунлари университетга келишиб, мароқли суҳбатлар эшитиб, фойдали маслаҳатлар олишади.

Университетнинг очилганига ниҳояти бир ой бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида унинг довруғи бутун водийга таралди. Фарғона ва Андижон областларининг узоқ-узоқ колхоз ва совхозларидан икки мингдан ортиқ киши келиб, университет иши билан танишиб кетди.

...Колхоздан бой таассуротлар билан қайтарканмиз, янги жамият кишилари бизнинг кунларимизда воғга етиб, шарафли меҳнат фронтида тобланаётганлиги билан чексиз фахрландик.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармаси.

Бу суратларни фотомухбиримиз А. Тўраев Карл Маркс номли колхозга бориб олган. Юқоридагисида маданият университети ректори Эргашхон Қурбонова Офтобхон Солиева билан сўнгги машғулотни ўтказмоқда. Қизи Маҳмудахон уларнинг суҳбатидан мамнун. Пастдаги суратларда: (чапдан) колхоз фельдшери Алижон Тўланов. У жонқуяр шифокор деб ном олган. Учинчи суратда кутубхоначи Флора Эшонқуловани кўриб турибсиз. Флорахон китобхонлар хизматига ҳамиша тайёр. Унинг ёнидаги суратда колхоз радиоузели ходими Х. Шоматов. У жозибали куйлар ёзилган ленталарни радио орқали эшиттиришга тайёргарлик кўряпти. Охирги суратда колхоз раиси Холмат Марозиқов (чапдан), партия ташкилотининг секретари Давронбой Баҳромов ҳамда бош агроном Азимжон Аҳмаджонов ўртоқлар маданий-маиший қурилишлар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

5 СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
22 СЕНТЯБРЬ 1964 ЙИЛ
№ 220 (12.874).

ЎРТА ОСИЁ ПАХТАСИ

Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент областида пахта тайёрлаш ва машина терминининг бориши тўғрисида 1964 йил 21 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Республикалар	Бир кунда	Мавсумда	Машинада терилган
Тожикистон ССР	1,07	11,15	1,01
Ўзбекистон ССР	1,24	10,49	1,81
Туркманистон ССР	0,88	6,84	0,60
Қирғизистон ССР	1,38	6,81	1,46
Чимкент области	1,16	6,70	—





Урта Осиёда биринчи бўлиб Янгийўл консерва заводида бир суткада уч юз тонна томат тайёрлаш қувватига эга бўлган ярим автомат линияси ишга туширилди. Суратларда: (чапдан) бошқариш шчитаси ва лентали транспортёр тасвирланган.

И. Глауберзон фотолари.

СОВЕТ—АРАБ ДЎСТЛИГИ—АБАДИЙ!

Бирлашган Араб Республикаси Бош Министри Али Сабрий ва дўст мамлакат ҳукумати делегацияси бошқа аъзоларининг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувлари Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари қардошларча бирдамлигининг ёрқин намойишига айланди.

Меҳмонлар республикамиз билан танишишни давом эттириб, 19 сентябрда Жиззахдаги бинокорлик материаллари ва буюмлари комбинатида бўлдилар.

Араб дўстлар Мирзачўлда уй-жой қурилишининг асосий базаси бўлган шу корхона билан қизиқиб танишдилар. Сариқ тупроқдан енгил ва пишиқ бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришнинг Ўзбекистон мутахассислари яратган технологияси меҳмонларнинг эътиборига сазовор бўлди.

Бирлашган Араб Республикаси Бош Министрининг ўринбосари шу ажойиб хом ашёни унга кўрсатишни илтимос қилди.

— Абу Аннур жаноблари, Сиз шу хом ашё устида турибсиз. Бу Мирзачўлдаги оддий сариқ тупроқдир.

Сариқ тупроқдан бинокорлик материаллари тайёрлаш проблемаси меҳмонларни гоят қизиқтиради. Уларнинг ўз юртида ҳам ана шу арзон хом ашё жуда кўп.

Али Сабрий ва унинг ҳамроҳлари сувдан ҳам енгил бўлган қизғиш-қўнғир майда тошлардан ясалган ғиштамида олдига келадилар. Комбинат ходимлари бу нарса керамзит эканлигини айтадилар ва меҳмонларни бошқа кўп янгиликлар билан — керамзит-бетондан ясалган ва бир неча аср хизмат қўрсата оладиган усти ёпиқ дренаж қувурлари билан, гипс ва цемент плиталар ишлаб чиқариш учун керакли прокат стани билан таништирадилар. Али Сабрий хайрлашиб кетар экан, «Совет мамлакатининг заводлари ажойиб заводлар экан!» деб айтган гаплари бежиз эмас эди.

Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумат делегацияси 19 сентябрда тушдан кейин Самарқандга келди. Меҳмонлар Самарқандниг бутун жаҳонга машҳур архитектура ёдгорликларини томоша қилдилар ва янги уй-жой массивларини бориб кўрдилар.

26 Боку комиссарлари номидаги шойи тўқиш фабрикасининг ходимлари Али Сабрийни ва бошқа араб меҳмонларни шодиёна қутиб олдилар. Улар Совет мамлакатининг саноатида ишлаб чиқарилган энг янги тўқув станоклари ўрнатилган янги цехни меҳмонларга кўрсатдилар. Шарқ мамлакатларида жуда манзур бўлган шойи газламалари нусхаларини намойиш қилдилар. Корхонанинг ишчи аёллари эсдалик учун Али Сабрийга ўзлари тайёрлаган миллий шойи чойшабни тақдим этдилар.

Араб меҳмонлар тушган махсус поезд 20 сентябрь эрталаб Тошкентга қайтиб келди. Бирлашган Араб Республикаси ҳукумат делегациясининг аъзолари поезддан автомашиналарга тушиб. Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтига бордилар.

Институт директори М. Мирзаев азиз меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини самимий табриклади. М. Мирзаев мева ва узумдан мўл ҳосил етиштириш «сир»ини меҳмонларга батафсил айтиб берди ва мева дарахтлари ҳамда ток қаламчалари коллекциясини кўрсатди. Меҳмонлар неча юзлаб янги навларнинг кўпини кўздан кечирдилар. Араб дўстларимиз буларни кўриб жуда хурсанд бўлдилар. Али Сабрий олимларга мурожаат қилиб, институтнинг бу ерда етиштирилган навлар ҳақидаги илмий асарларни ҳадя этишларини илтимос қилди.

Араб мутахассисларининг бир группаси ўша куниёқ «Средазгипроводхлопок» институтида бўлди. Бу институтда суғориладиган деҳқончиликни лойиҳалашнинг энг янги методлари тўғрисида Ўзбекистоннинг етакчи мутахассислари билан суҳбат ўтказилди.

Ўзбекистон ҳукумати Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумат делегацияси шарафига берган нонушта зиёфат саминий, дўстона вазиятда ўтди.

Нонушта зиёфатда Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий рафиқаси билан бирга. Бош Министр ўринбосари Абдил Мухсин Абу-Аннур, Бирлашган Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Муҳаммад Мурод Ғолиб ва бошқа араб меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Нонушта зиёфатда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг Раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов рафиқаси билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, И. В. Марцинюк, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Совет Ўзбекистонининг азиз ва ҳурматли меҳмонини самимий табриклаб, бундай деди:

— Азиз биродаримиз Али Сабрий, Сиз орқали, Бирлашган Араб Республикасидан келган бошқа меҳмонлар, сизлар орқали эксцевар Миср халқини қизғин табриклаймиз. Совет кишилари Миср халқига самимий муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини изҳор қиладилар.

Биз Миср халқининг буюк орзуси рўёбга чиққанлиги — Нил дарёси тўсилганлигининг шоҳиди бўлиш билан бахтиёрмиз. Бу — Совет Иттифоқидаги барча халқлар каби биз учун ҳам катта ва қувончли воқеадир. Биринчидан, Асвон тўғонининг қурилиши совет ва миср халқларининг дўстлигини ифода этади ва, иккинчидан, Асвон бизга яна шунинг учун ҳам яқинки, у Ўзбекистоннинг Чирчиқ шаҳри билан иноқлашиб кетди.

Р. Қурбонов сўзининг охирида ишонч билдириб айтадики, Бирлашган Араб Республикаси ҳукумат делегациясининг визити совет ва араб халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ишончни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

— Бирлашган Араб Республикаси делегацияси номидан сизни табриклайман ва гўзал мамлакатингизда ўтказиб турган ҳозирги шодиёна пайтимизда сизнинг ва бутун Ўзбекистон республикаси халқининг зўр шодлик билан самимий кутиб олаётганлигингиз учун ташаккур изҳор қиламан. Биз қалбимизга ҳақиқатан ҳам энг азиз бўлган дўстларимиз ўртасида турганлигимизни яхши тушуниб олдик. Сизлар фақат Ўзбекистон учунгина эмас, балки дўст Совет Иттифоқидаги бошқа республикалар учун ҳам ишлаб чиқариш соҳасида янги муваффақиятларга эришиш ва экономикани тараққий эттириш йўлида кўп куч-ғайрат сарф қилганлигингизни ўз кўзимиз билан кўриб бениҳоя хурсанд бўлдик.

Дўстимиз, Раис Хрушчев бизга Ўзбекистонга бориб, ерларни ўзлаштириш ва ишга солиш методлари билан танишиб чиқишни таклиф этган эди. Мен Хрушчевга ташаккур ва миннатдорчилигимизни изҳор қиламан.

Биз социалистик жамият қурмоқдамиз. Бизнинг халқимиз Бирлашган Араб Республикасида қурилаётган ана шу жамиятнинг тенглик ва адолат принципларини рўёбга чиқариш учун амалга ошираётган революцион ишларида мамлакатнинг қишлоқ хўжалик секторини ривожлантириш ва аввалги феодал режимлардан бизга мерос бўлиб қолган турли қишлоқ хўжалик проблемаларини ҳал этиш зарурлигини асло эсдан чиқармайди. Биз, Совет Иттифоқининг дўстона ёрдами билан баланд Асвон тўғонини қуриш лойиҳасини амалга оширмоқдамиз. Биз бу билан мамлакатимизга зарур бўлган электр энергиясини ҳосил қилиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик майдонларини кенгайтиришга ҳам ҳаракат қиламиз.

Сўнгра Али Сабрий Бирлашган Араб Республикасининг қишлоқ хўжалиги олдида турган проблемалар ҳақида, қишлоқларда янги ҳаёт барпо қилиш тўғрисида гапиради. Раис Хрушчев, деб сўзини давом эттиради Али Сабрий, бизнинг юртимизда бўлганида Бирлашган Араб Республикаси халқининг қишлоқ хўжалиги учун яроқли даштларни ўзлаштириш учун зўр ғайрат ва шижоат билан ишлаётганлигини кўрди. Раис Хрушчев Совет Иттифоқининг биз билан ҳамкорлик қилишга ва тажрибаларни баҳам кўришга тайёр эканлигини айтди.

Дўстлар! Биз Ўзбекистон халқини табриклаймиз! Биз ўз дўстимиз Раис Хрушчевни табриклаймиз! Биз совет-араб дўстлигини табриклаймиз!

Азиз меҳмон ва унинг ҳамроҳари шарафига концерт қўйиб берилди.

Ўзбекистон пойтахти 20 сентябрда кечқурун Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрийни ва Бирлашган Араб Республикасидан келган бошқа меҳмонларни самимий узатиб қолди.

Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортига шаҳарнинг неча юзлаб аҳолиси тўпланди. Азиз меҳмонни ва унинг рафиқасини узатиб қолиш учун Ўзбекистон ССР Минчстрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов рафиқаси билан бирга, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, И. В. Марцинюк, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, СССР «Госземводхоз»и ҳузуридаги Ирригация ва ягни совхозлар қурилиши Ўрта Осиё бош бошқармасининг бошлиғи А. А. Саркисов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов, республика министрлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, журналистлар ҳам бу ерга келдилар.

Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг тантанавор садолари янграйди. Али Сабрий Р. Қурбонов билан биргаликда фахрий қоровул сафи олдидан ўтади. Шундан кейин улар микрофон олдига келадилар.

Р. Қурбонов азиз меҳмонга мурожаат қилиб айтадики, Совет Иттифоқининг барча халқлари каби ўзбек халқи ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш соҳасида, социализм қуриш соҳасида ўзининг бой тажрибасини миср халқ дўстлари билан бундан буён ҳам баҳам кўришга тайёрдир.

Али Сабрий сўз олади:

— Биз Тошкентдан жўнаб кетар эканмиз, Ўзбекистон республикасига қилган дўстона сафаримиз тўғрисидаги энг яхши таассуротни ўзимиз билан бирга олиб кетмоқдамиз. Биз мамлакатингиз тараққиётида эришилган катта ютуқлар тўғрисида, шунингдек биз ҳамма жойда ҳис этган ва кўрган қардошлик туйғулари ҳақида Бирлашган Араб Республикасини халқига сўзлаб берамиз. Бу қардошлик туйғулари араб ва ўзбек халқлари ўртасида мавжуд бўлган дўстлик руҳининг ифодасидир. Сизлар улуғ мамлакатингизда қўлга киритган муваффақиятлар муносабати билан менинг табрикларимни ва Бирлашган Араб Республикаси делегацияси аъзоларининг табрикларини қабул қилгайсиз.

Али Сабрий рафиқаси билан бирга ва бошқа араб меҳмонлар самолётга чиқадилар. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар зўр илтифот билан қўл силкиб, азиз дўстлар билан хайрлашадилар. Ҳаво лайнери осмонга парвоз қилиб. Москва томон йўл олади.

Араб меҳмонлар билан бирга СССР Суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси, СССР министри Е. Е. Алексеевский, Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикасидаги элчиси В. Я. Ерофеев, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. Д. Шчиборинлар ҳам Москвага жўнаб кетдилар.

Е. Майоров, В. Носов, С. Шишков (ЎзТАГ мухбирлари).

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

РАДИО

22 СЕНТЯБРДА
ҚАШҚАДАРЁ КУНИ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт. 7.45 — Пионер эрталиги (рус.), 8.25 — Концерт (Ўзбекистон радио-телевидение солистлари ижросида). 9.25 — Фортепьяно пьесалари. 9.50 — Қашқадарёнинг бугуни ва келажаги (тож.). 10.10 — Келажаги порлоқ ўлка (Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Х. Асомов сўзи). 10.25 — Совет экрани қўшиқлари. 11.15 — «Каршистепстрой» бошқармаси бошлиғи Б. Усмонов сўзи (рус.). 11.25 — Чолғу куйлари. 13.00 — Қарши чўлининг қоракўлчилари (ўзб.). 13.30 — А. П. Иванов куйлайди (рус.). 14.00 — Қашқадарё пахтаси. 15.25 — Реклама ва эълонлар. 15.50 — Ўзбекистон энергетика қурилишларида (ўзб.). 16.00 — Музикали эшиттириш (ўзб.). 16.40 — «Виждон» (Т. Абдурасулев ҳикояси). 18.00 — Концерт (халқ талантлари ижросида). 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Уйғонган чўл» (радиокомпозиция). 20.15 — Концерт (Қарши ўлкаси ўзлаштирувчилар учун. (ўзб.). 20.45 — «Қалб амри билан» (ўзб.). 21.20 — Қашқадарё область қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 22.10 — Неъматжон Қулабдуллаев куйлайди. 22.30 — Шонли 40 йиллик олдидан. Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари (рус.). 23.10 — Мақом кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 СЕНТЯБРДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Экран — Фарғона пионерларига** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Бир йиллик сабоқ** (ҳужжатли фильм), 18.55 — Ягона иқтисодий районда. **Полимерлар металл ўрнини ўтайди**, 19.15 — **Хатарли рейс** (кинокомедия), 20.40 — **Телевизион янгиликлар.**

20.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.05 — **Телевизион янгиликлар**, 21.20 — **Медицина темасида**, 21.40 — **Бир ҳаётнинг икки номи** (ўзбек фильмлари фестивали), 22.00 — **Пахта терими илғорлари** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.20 — **Чолғу куйлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10 — **Болалар учун кинофильм**, 18.30 — **Тошкент янгиликлари**, 18.40 — **Химия ҳосилни сақлайди** (илмий-оммабоп фильм), 19.00 — **Новаторлар минбари.**

19.20 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида 19.30 — Ўзбек фильмлари фестивали. **Ўзбекистоннинг газ ва химияси** (ҳужжатли фильм), 19.50 **Тошкент янгиликлари**, 20.00 — **Халқ қаддини ростлайди** (Мали Республикасининг мустақиллик куни муносабати билан), 20.20 — **Бировлар базмидан оғриган бош** (фильм-спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IX да **Чио-Чио-Сан**, 23/IX да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IX да **Кутлуғ қон**, 23/IX да **Хатарли йўл.** Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IX да **Жон қизлар.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 22/IX кеч соат 8 да **Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 25/IX да **1964/65 йил қишин мавсуми очилади. Ўзбек цирки артистларининг томошалари бўлади.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Енгил ҳаёт — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВАТАН», «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (эрталаб соат 9 дан кеч 7 гача).

Хабер фотоси — «ЕШ ГВАРДИЯ», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 ва 5 да).

Бир гала асир «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Темир ниқоб (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (кеч соат 7 ярим ва 10 да), «ИСКРА» (кеч 7 яримдан).

ЧУҚУР МИННАТДОРЧИЛИК

Бирлашган Араб Республикасининг Бош Министри Али Сабрий Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбоновга самолётдан туриб қуйидаги телеграммани юборди:

«Ғўзал Тошкентдан буюк Москвага кета туриб, Сизга ва рафиқанизга Бирлашган Араб Республикасининг делегацияси, ўз рафиқам ва шахсан ўз номимдан сизлар Ўзбекистон Республикасига қилган сафаримиз вақтида бизни зўр хурсандчилик билан кутиб олганликларингиз учун табриклар йўллайман ва чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

Бу сафар тўғрисидаги хотиралар бизнинг қалбларимизда сақланиб қолади.

Бахт-саодат тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Али САБРИЙ».

(ТАСС).

ОЗОДЛИК, ТИНЧЛИК, БИРДАМЛИК—ЁШЛАРНИНГ ПАРОЛИ!

ЁШЛАРНИНГ ЖАҲОН ФОРУМИДА

Жаҳон форумининг 19 сентябрда Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган ялпи мажлисини Польша делегациясининг раҳбари Мариан Ренке очади. Япония вакили С. Хасэгава биринчи бўлиб сўз олади.

— Инсоният биз тортган азоб-уқубатлар тажрибасида атом урушининг ваҳшиёна моҳиятига қаноат ҳосил қилди, — дейди С. Хасэгава.— Биз, японлар термоядро урушининг оқибати ҳалокати бўлажагини бошқа ҳар кимга нисбатан олдиндан кўра оламиз. Мана шу сабабдан бизнинг мамлакатимизда тинчлик учун бошланган кураш бир даҳза ҳам тингани йўқ. Биз бутун дунё ёшларини бир қадам ҳам орқага чекинмай, янада ғайрат билан, янада сабот-матонат билан фақат олга ва олга боришга, ҳар қандай шаклдаги уруш тайёргарликларига қарши курашишга чақирамиз.

Япония делегати Африка — Осиё мамлакатларининг тинчлик ва миллий озодлик учун олиб бораётган кураши билан бирдамликка бағишлаб, яқин келажакда халқаро конференция ташкил қилишни таклиф этади.

«Португалияники» деб аталган Гвинея ва Яшил Бурун ороллари ёшларининг вакили Фиделис Кабрал форум минбарига чиқиб, ҳаяжон ва эҳтирос билан гапиради. Бу мамлакатда португалияликлар ўрта аср қуролларини сингари ҳуқуқларга эгадир. Аммо у замонлар ўтиб кетди. Африка, Осиё, Латин Америкаси халқлари, Гвинея ватанпарварлари XX аср ўртасида Португалия ҳукмронлигининг кишанларини парчалаб ташламоқдалар.

Италия делегати Атилле Оккетто ўз нутқини империализмга қарши, халқларни мустамлакачилик қуллигидан озод қилиш учун барча демократик ва тараққийпарвар кучларни бирлаштириш масалаларига бағишлайди.

— Осиё, Африка ва Латин Америкасидан келган дўстларимиз, — дейди нотиқ форум қатнашчиларига қараб, — сизлар Ғарбдаги революцион ҳаракатга ишонч билан қарамоқларингиз керак. Сиз жабриши тортаётган империализм қўрғонларида содиқ иттифоқчиларингиз бор.

Форум делегатлари бу сўзларни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Миллий маданиятни барпо этиш ва ривожлантириш, бир таъкидлади ўз докладида Чили делегати Хуан Осорио, миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашимизнинг муҳим қисмидир. Миллий маданиятни ажнабийлар таъсиридан сақлашимиз керак.

Ҳозирги кунда халқлар олдида турган вазифалар ҳаддан ташқари мураккабдир, дейди навбатдаги докладчи Ливан ёшларининг вакили Жорж Баталь. Бу вазифаларни ҳал қилмоқ учун ана шу вазифалар занжиридаги асосий ҳалқалар нималардан иборат эканлигини равшан тушуниб олмоқ керак. Тинчлик учун кураш ҳозирги вақтда халқларнинг асосий вазифасидир.

Социализм тобора кўп даражада танилган мақсадга айланиб бормоқда, замонамизнинг буюк озодлик ҳаракатлари, социализмга интилмоқда, дейди Польша ёшларининг вакили Казимеж Барчиковский. Давримизнинг фарқли хусусияти шундан иборатки, тобора янги-янги мамлакатлар социалистик тараққиёт йўлига тушиб олмоқда, капитализм эса чекинишга мажбур бўлмоқда.

Форум қатнашчилари Польша делегатининг сўзини қизғин кутиб оладилар. У, ўз докладини тамомлаб туриб, ер юзидаги ҳамма ёшларни тинчлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга чақиради.

Испания делегациясининг аъзоларидан бири Испания ёшлари номидан форум қатнашчиларига қардошларча жанговар салом топширади. Делегатлар унинг минбарга чиқишини қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Испан ватанпарвари империалистлар Испанияни ядро базасига айлантиришга интилаётганликларидан далолат берувчи фактларни нафрат ва газаб билан айтиб беради. Халқ бундай сиёсатга рози бўлаётгани йўқ ва ўз томонидан янкиларнинг Испанияда туришига имкон бермасликка ҳаракат қилмоқда.

Оғир шароитларга қарамай, испан ёшлари актив курашмоқдалар, ер шаридаги ёшлар билан бирдам эканликларини намоён қилмоқдалар. Ҳар қандай эксцеварлик, революцион ҳаракатларни бостириш учун франкочилар ишлатаётган ўрта асрга хос ваҳшиёна усуллар Испания ёшларини қўрқитаётгани йўқ. Ёш авлоднинг жанговар руҳини ҳеч қандай репрессиялар синдира олмайди, деб таъкидлаш нотиқ. Франкога қарши кураш кучая беради, бу кураш Испания узра эрк қуёши нур сочмагунча давом эта беради.

Испан йигити социалистик мамлакатлардаги халқлар ва ёшларнинг ютуқлари ҳақида гапириб, Совет Иттифоқи уларнинг олдинги сафида бораётганлигини айтади. У, ўзларининг испан ўртоқларига ўрнак кўрсатаётганликлари учун Ленин комсомоли орқали социалистик мамлакатларнинг ёшларига миннатдорчилик изҳор қиладди.

Форум қатнашчилари испан делегати минбардан туриб келаётганда, унинг шарафига ўринларидан туриб, гулдурос қарсак чаладилар.

Шундан сўнг ялпи мажлисда профессор Жон Бернналнинг Жаҳон Тинчлик кенгаши номидан юборган табрикномаси ўқиб берилди. Журналистлар халқаро ташкилотининг секретари Марко Тулио Родригес (Колумбия) Журналистлар халқаро ташкилоти номидан табрик нутқи сўзлайди.

Бирдамлик Жаҳон форуми қатнашчилари номига Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Министрлар Советининг раиси Тодор Живковдан келган табрикнома, шунингдек Кения бош министри Жомо Кениатанинг табрикномаси ўқиб эшиттирилади.

Шу билан эрталабки ялпи мажлис ёпилади.

Ялпи мажлис билан бир вақтнинг ўзида бутун Халқаро тергов комитети ўз ишини давом эттирди. Стол атрофида асосий айбловчилар, таниқли юристлар ва жамоат арбоблари, 27 мамлакат вакилларидан иборат комитет аъзолари ўтиришибди.

Шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳар бири иркчи ваҳшийларнинг жиноятларини эшитганда, ғазабланмасдан тура олмайди. Гувоҳлар — Жанубий Африка Республикасида яшовчи кишилар сўроқ қилинади. Ёш африкаликлар Суаканис Кениет гувоҳлик бериб, жумладан шуни айтдики, Жанубий Африка Республикасида полиция ҳар қандай кишини бирон жиҳатдан шубҳали деб ҳисобласа, уни қамаш ҳуқуқига эгадир. Шу тариқа европаликлардан 2.807 киши, қора танлилардан 3.542 киши, ҳиндилардан 331 киши ва африкаликлардан 8.498 киши қамоққа олиниб, тюрьмаларда саклаб келинмоқда. Қамалганларнинг ҳаммаси даҳшатли қийноқларга солиймоқда.

Жанубий Африка Республикасида апартеиднинг неча ўнлаб қурбонларини тасвирловчи жуда кўп фотоҳужжатларни ўрганиб, юристлар шу суратларнинг ҳақиқийлигини тасдиқладилар. Халқаро тергов комитетига келаётган фактлар кишини ғазаблантирмоқда, унинг виждонини қайнатмоқда, каллакесар ва одамхўр Фервурдни қоралашни талаб қилмоқда.

Гана вакили Жекобс Стивенснинг таклифига биноан, Халқаро тергов комитети Фервурднинг жиноятларини исботловчи қўшимча далиллар йиғиб келиш учун Жанубий Африка Республикасига ўз вакилларини юборишга қарор қилди.

Иркчиликка лаънатлар бўлсин. Фервурд сўлланувчилар курсисига ўтказилсин! Форумнинг ҳохиш-иродаси, ёш авлоднинг, барча халқларнинг ҳохиш-иродаси ана шу! Бу ҳохиш-ирода амалда рўёбга чиқарилмоқда.

(ТАСС мухбирлари).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ МАШҚЛАРИ

ТАСС АХБОРОТИ

Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар бирлашган қуролли кучларининг жанговар тайёргарлик планига мувофиқ, Болгария Халқ Республикаси территориясида совет, румин ва болгар армиялари қўшинларининг 1964 йил 15 сентябрдан 20 сентябргача ҳарбий машқларини ўтказилди. Ҳарбий машқларга Болгария Халқ Республикасининг халқ мудофаси министри армия генерали ўртоқ Д. Журов раҳбарлик қилди.

Машқларда иттифоқчи қўшинларнинг бир-бирига кўмаклашиб ҳаракат қилиши масалалари такомиллаштирилди ва уларнинг оператив-тактика тайёргарлиги текшириб кўрилди.

Машқ натижалари бу машқларда қатнашган қўшинларнинг ҳарбий тайёргарлиги юксак даражада эканлигини, шунингдек жанговар техника ва қурол-яроғлар юқори сифатли эканлигини кўрсатди.

Машқлар Варшава шартномаси мамлакатлари армияларининг жипслашганлигини ва жанговар бирлигини, улар социалистик лагернинг давлат чегараларини ҳимоя қилишга тайёр эканлигини яна бир марта намойиш қилди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси ўртоқ Тодор Живков, Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Живко Живков, Иван Михайлов ўртоқлар, Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар Димитр Димов, Пенчо Кубадинский ўртоқлар машқларни кузатиб турдилар.

Румния Халқ Республикасининг қуролли кучлар министри армия генерали Л. Сэлэжан, Чехословакия Социалистик Республикасининг миллий мудофаа министри армия генерали Б. Ломский, СССР мудофаа министрининг ўринбосари — ҳарбий-денгиз флотининг бош қўмондони флот адмирали С. Г. Горшков, СССР мудофаа министрининг ўринбосари армия генерали В. А. Пеньковский, Польша Халқ Республикаси миллий мудофаа министрининг ўринбосари армия генерали Е. Бордзиловский, Германия Демократик Республикаси миллий мудофаа министрининг ўринбосари генерал-лейтенант З. Ридель, Венгрия Халқ Республикаси мудофаа министрининг ўринбосари генерал-лейтенант Е. Кетелеш машқларда ҳозир бўлдилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали ўртоқ А. А. Гречко ва иттифоқчи армияларнинг бир қанча олий офицерлари ҳам машқларда ҳозир бўлдилар.

Машқлар тамом бўлганидан кейин иттифоқчи қўшинларга кўрик ўтказилди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
24, 25 сентябрда
Совет Иттифоқи биринчилиги учун: «Труд» (Воронеж) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

24/IX да кеч соат 6 дан дублёр составлар. 25/IX да кеч соат 7 дан асосий составлар ўйнайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 11929 ИНДЕКС — 64543. Н. Б. — 220.